Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 178 (20. 146) • 1988 йил 5 август, • жума • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС-нинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси йўл-йўриқларига мувофиқ тарзда, партия, совет, хўжалик органлари раҳбарларининг, бутун активларнинг диққат-эътиборини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги жиддий нуқсонларга қаратишни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Бу нуқсонлар одамларнинг норозилиги ва ғазабланишига сабаб бўлмоқда, уларнинг қайта қуришга ишончига путур етказмоқда.

Айни вақтда меҳнаткашлар ярмарка савдоси, «савдо кўча»лари ташкил этилиши, турли оммавий сайллар ўтказилиши, корхоналарда савдо-маиший комплексларининг бунёд этилиши, маъмурий бинолар ўрнида касалхоналар ва поликлиникалар очилиши сингари уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қондириш йўлида қилинган конкрет ва амалий ишлардан миннатдор бўлмоқдалар. Қайта қуришнинг уч йили якунлари шундан далолат бериб турибдики, социал соҳага диққат-эътиборнинг кучайиши Совет ҳокимияти, партия органларининг обрўсини, одамларнинг кайфиятини кўтаради, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширади.

Аммо социал вазифаларни ҳал этишга ана шундай ёндашув ҳамма ерга ёйилмаяпти. Республикада хизмат кўрсатишнинг қониқтирмайдиган, балки асабийлаштирадиган механизми мавжуд бўлишининг сабаби шундаки, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари одамларнинг кундалик ташвишларига кўп жиҳатдан бефарқ қараб, бу ташвишларни писанд қилмаяптилар. Навбат кутиш енгил бўлмайдиган муаммога айланган, Ўзбекистон аҳолиси бўш вақтининг анчагина қисмини навбат кутиб ўтказмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўпчилик корхоналар ва ташкилотларнинг иш режими меҳнаткашлар учун ниҳоятда ноқулайдир, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ишга ўнглаб олишга уриниб кўрган бўлсалар ҳам, бу навбатдаги қисқа муддатли кампанияга айланиб кетди.

Жойлардаги кўпчилик мансабдор шахсларнинг бепарволиги, сансалорчилиги оқибатида одамлар неча йиллардан буён телефон ўрнатилиши учун навбат кутиб турибдилар, меҳмонхонага жойлаша олмаяптилар, авиация ва темир йўл билетларини ўз вақтида сотиб олололмаяптилар ва бошқа бажарилиши шарт бўлган хизматлардан ўз вақтида фойдалана олмаяптилар. Уй-жой эксплуатацияси конторасида, нотариал идорада, паспорт столида справка олиш ва маслаҳатлашиш, рўзғор техникасини ремонт қилиш, малакали медицина хизмати кўрсатиш ва бошқалар баъзан сурункали сансалорликка айланиб кетади. Меҳнаткашларнинг бўш вақти ва дам олишини уюштириш ҳам ёмон.

Ўз табиатига кўра, неъматларни социал адолат принципларига суяниб тақсимлаш, одамларнинг кундалик рўзғор ташвишларига ёт бўлган чайқовчилар, порахўрлар ва бошқа элементларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари пайи зарур даражада қирқилмаяпти. Тармоқдаги оддий ходимлар ўртасидагина эмас, балки раҳбар ходимлар ўртасида ҳам ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик ва муштарак кафолатга чек қўйилмаган.

Ана шу ҳодисаларга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг пропаганда аппарати роли сусайган. Эълон қилинаётган материалларда шов-шув кўтариб фош этишга, салбий ҳодисаларни амалий танқид қилиш ва таклифларга путур етказган ҳолда салбий ҳолатларни излашга мойиллик бор. Халқ назоратчилари, комсомол ва касаба союзлари ташкилотларининг потенциали зарур даражада ишга солинмаган.

Кенг партия активи, хўжалик ҳодимлари шуни равшан тушуниб олишлари керакки, социал соҳадаги муаммоларнинг ҳал этилмаслиги ғаразли мақсадларда сунъий тақчилликни вужудга келтириш, «таниш-билишчилик йўли» билан, «қўнғироқ қилинганидан кейин» хизмат кўрсатиш ва бошқа антисоциалистик хатти-ҳаракатлар қийинчиликларни кўпайтиради, қайта қуриш йўлига ғов бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси кўпгина раҳбарлар ва аввало, партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларидаги биринчи шахслар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳаридоргир товарлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш корхоналари ишини яхшилаш борасида қунт билан шуғулланмаётганликлари содир бўлган аҳволнинг бош сабабларидан бири деб ҳисоблайди. Уларнинг бошланғич партия ташкилотлари, кўп сонли партия активлари ва партиясиз ташаббускор кишилар ана шу ишдан четда турибдилар.

КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленумининг қайта қуриш шароитларида меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларини ҳар томонлама қондириш партия ва совет органлари кучғайратлари сарфланиши лозим бўлган бош соҳа эканлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига суяниб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарор қилади:

Область партия комитетларининг биринчи секретарларига, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раисларига, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарларига, партия комитетлари ва партия ташкилотларининг секретарларига экономиканинг социал йўналиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш, ана шу муҳим ишда бошланғич партия ташкилотларининг сиёсий ролини кўтаришни таъминлаш шахсан топширилсин. Юқоридан ҳеч қандай кўрсатмалар бўлишини кутиб ўтирмай, ҳали рўёбга чиқмаган имкониятларни ишга солиб, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида тубдан тартиб ўрнатиш учун янги, одат бўлмаган ечимларни ҳар куни қидириб топиш ва амалга ошириш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қуйидаги масалалар кечиктирмай ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

САВДО ВА ПУЛЛИК ХИЗМАТ СОҲАСИДА:

Навбат кутишларга, савдо қоидаларининг бузилишига барҳам бериш учун қатъий кураш олиб борилсин. Бунинг учун эса магазин директори ёки унинг мудири ҳамиша савдо залида бўлишш таъминлансин. Икки-уч сменали режимда ишлаётган, зарур бўлиб қолганида эса кеча-кундуз ишлайдиган савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари сони кўпайтирилсин, шу йилнинг учинчи квартали мобайнида ҳамма ерда ҳаракат учун ёпиб қўйилган кўчаларда кечқурунлари ва тунда савдо расталари, ярмаркалар ташкил этилсин, одамларга хизмат кўрсатадиган барча муассасаларнинг иш графиги қайта кўриб чиқилсин, уларнинг иши халқнинг эҳтиёжлари, талаблари ва унга зарур қулайликлар яратишга мувофиқ бўлсин.

Шу беш йилликда савдо, улгуржи чакана бўғинининг, маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базасини ривожлантиришни нормативлар даражасига етказиш таъминлансин, савдо ва маиший хизмат корхоналарига, уларга қарашли бўлса ҳам бошқа мақсадлар учун банд бўлиб турган иморатлар, бинолар қайтариб берилсин. Уй-жой қурилишидан савдо объектлари учун 5 процент ва маиший хизмат объектлари учун 0,4 процент ажратмалар ўтказиш таъминлансин. Саноат корхоналарининг қуриш ва зарур иморатларни ажратиб беришдаги имкониятларидан, шунингдек, техникавий жиҳатдан мураккаб бўлган халқ истеъмоли моллари ҳамда савдо-технология ускунасини ишлаб чиқариш имкониятларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Тошкент шаҳрида ва область марказларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминловчи диспетчерлик системаси жорий этилсин. Шу йилнинг охиригача Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг барча нон заводлари ҳузурида иш куни узайтирилган «Иссиқ нон» фирма магазинлари ташкил этилиб, ишга туширилсин. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилишга алоҳида эътибор берилсин, ҳамма жойда балиқ аквариумлари қайта тиклансин, балиқ маҳсулоти етиштириш кўпайтирилсин, кўл ва ҳовузларнинг экологик ҳолати яхшилансин. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи, уй-жойларни ремонт қилувчи, чорва молларни сўқимга боқувчи, парранда, қуён, балиқ кўпайтирувчи, хизмат кўрсатувчи ва шу каби кооперативлар ташкил этилишига бутун чоралар билан кўмаклашилсин.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА СОҲАСИДА:

Пассажир транспорти ҳаракатининг графиклари самолётлар, поездлар, шаҳарлараро автобусларнинг келиши, жўнаши билан, республика шаҳар ва районларидаги корхоналар ҳамда ташкилотларнинг иш режими билан боғлансин. Аҳоли учун юк автотранспортининг хизмати анча кенгайтирилсин, автомобиль корхоналарида шахсий автотранспортнинг майда ремонти ва унга техника хизмати кўрсатиш, вулканизация ташкил этилсин. Навбатда туришларини камайтириш учун авиабилет ва темир йўл билетларини олдиндан сотувчи кассалар иши мунтазам текшириб турилсин ва яхшилансин, зарур ҳолларда уларнинг кеча-ю кундуз ишлаши ташкил этилсин, билетларни аҳолининг телефон орқали буюртмаларига кўра, уйларига етказиб бериш кенг жорий этилсин. Автомат телефон станциялари ва линия тармоғининг бўшаб қолаётган барча қувватлари аҳолининг квартира телефонлари ўрнатишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилсин.

АҲОЛИГА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ СОҲАСИДА:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1988 йил 8 июлдаги «Республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш, барча даволаш-профилактика муассасаларининг аҳоли соғлиғини сақлашни яхшилашдаги фаолият даражасини юксалтириш ишида конкерт натижаларга эришиш учун медицина муассасалари бош врачларининг, раҳбарларининг, бошланғич партия ташкилотларининг масъулияти кучайтирилсин. Медицина хизматидаги салбий ҳодисаларга, таъмагирлик ва эътиборсизликка қарши қатъий курашиш, кадрларни совет медиги деган юксак номга доғ туширган шахслардан тозалашга қаратилган муросасиз принципиал йўлни ўтказиш керак. Медицина муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қатъий ҳаракат қилинсин, қурилишни ташкил этиб, яхши бинолар ёки иншоотлар ана шу муассасаларнинг ихтиёрига топширилсин, бундай муҳим ишдан бўйин товлаётган хўжалик раҳбарларига нисбатан қатъий талабчанлик қилинсин. Медицина муассасаларининг иш режими, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли учун қақатан ҳам қулай қилинсин. Медицина ходимлари қишлоқ хўжалик ишлари ва бошқа ишларга чалғитилмасин, аҳолини қабул қилиш соатларида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳар қандай мажлислари тақиқлаб қўйилсин.

ОДАМЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ ВА ДАМ ОЛИШИНИ УЮШТИРИШ СОҲАСИДА:

Маданий-спорт комплекслари, энг оддий спорт майдончалари, бассейнлар очилсин, видеотекалар, дискоклублар ташкил этилсин, ўйин автоматлари ўрнатилсин, прокат пунктлари ва ҳоказолар очилсин. Меҳнаткашларнинг турли категориялари ва ёшлар қизиқишлари бўйича секцияларга, клублар ва тўгаракларга жалб этилсин, туристик-экскурсия фаолияти ривожлантирилсин.

Парклар, қутубхоналар, клублар ва маданият уйлари тегишли тартибга келтирилсин, улар зарур аттракцион техникаси ва ускуналар билан таъминлансин, прокат пунктлари очилсин. Бу ишда маҳаллий корхоналарнинг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ СОҲАСИДА:

Аҳолини, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлансин, иссиқлик, газ, электр энергияси узлуксиз бериб турилсин, канализация тозалаш иншоотлари ҳамда ички санитария-техника системалари ва приборлари пухта ишлаб туриши таъминлансин. Уй-жойларни ремонт қилиш ва уларнинг техника қаровини ташкил этишда, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришда, уларни кўкаламзорлаштириш, ирригация ва мелиорациялаш ишларини ташкил этишда тартиб ўрнатилсин.

Марказий Комитет бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари 1988 йилнинг охиригача хизмат кўрсатиш соҳасини ишончга сазовор бўлмаган шахслардан тозаласинлар, социал масалаларни ҳал этиш учун ягона кураш фронтини ташкил этсинлар, ҳар хил таъмагирлик ва чайқовчиликка қатъиян чек қўйсинлар. Етакчи соҳалар билимдон, янгиликни ҳис этувчи мутахассислар билан мустаҳкамлансин, кадрлар конкурсда танлаб олиш ва кенг ошкоралик асосида юқори лавозимларга кўтарилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, Юстиция министрлиги, Ички ишлар министрлиги, республика Прокуратураси партия ва жамоат ташкилотлари билан бирга аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини активлаштирсинлар, социалистик қонунчиликни, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олишни кучайтирсинлар, аҳолини баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан, аввало қанд-шакар ва гўшт билан таъминлашдаги мушкулликлардан фойдаланиб, меҳнатсиз даромад орттириш йўлидаги уринишларга қарши қатъий кураш олиб борсинлар. Хизмат кўрсатиш соҳасида социалистик мулкка ҳар қандай тажовуз йўлига мустаҳкам ғов солинсин, бунинг учун совет қонунларининг кучидан, жамоатчилик фикридан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети касаба союз ташкилотларининг куч-ғайратларини республика меҳнаткашларини нормал меҳнат ва турмуш шароитлари билан таъминлашга, соғломлаштириш, спорт, клуб муассасалари барпо этиш ва улар ишига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига йўналтирсин. Шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилсин ва 1990 йилдаёқ савдо ва матлубот кооперациясида ишловчи ҳар бир киши ҳисобига маблағни ўзлаштириш 1987 йилги даражага нисбатан икки баравар оширилсин.

Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришда меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонунидан, социалистик мусобақадан, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатидан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Социал муаммоларнинг ҳал этилиши республика идеология муассасаларининг, оммавий-ахборот воситаларининг диққат марказига қўйилсин, шу йилнинг сентябрида мазкур масалага доир Ягона сиёсий кун ўтказилсин. Газета ва журналларда, телевидение ва радиода тегишли рубрикалар очилиб, партия комитетлари биринчи секретарларининг ҳамда ижроия комитет раисларининг чиқишлари уюштирилсин, программаларда уларга устун ўринлар ажратилсин. Социалистик мусобақа ғолибларининг, меҳнат новаторларининг тажрибаси амалий равишда кўрсатиб берилсин, камчиликлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар принципиал танқид қилинсин. Одамларга нисбатан тошбағрлик қилаётган, етилган масалаларни ҳал этмаётган кишилар номма-ном айтилсин. Социал соҳадаги салбий ҳолатларга қарши муросасиз курашда меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифларидан кенг фойдаланилсин, кўтариб чиқилаётган масалаларга партия, совет органлари, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг жавоблари эълон қилинсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ушбу масалани бюро мажлисларида кенг активлар иштирокида, хизмат соҳасининг барча меҳнат коллективларида совет ва партия ходимларининг иштироки билан муҳокама қилсинлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлимларига шу йилнинг декабрь ойигача аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга доир ишларнинг жойларда ташкил этилишини Министрлар Советининг бўлимлари ҳамда хизмат қилувчи корхоналар ва ташкилотлар бошланғич партия ташкилотлари секретарлари иштирокида кўриб чиқиш топширилсин. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳволи 1989 йил январида республика партия-хўжалик активларининг йиғилишларида кўриб чиқилсин. Материалларни тайёрлаш Марказий Комитетнинг Савдо ва маиший хизмат бўлими билан Партиявий-ташкилий ишлар бўлими зиммасига юклансин.

«Ҳосил—88»: «Дала—редакция» телефон линиясида

АСАД—ЭКИНИНГНИ ЯСАТ!

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Ҳосил тўплашда сўнгги ҳал қилувчи давр — асад ойи бошланди. Ғўза парваришини янада кучайтириб, кўсакларнинг тезроқ етилишини таъминлайлик.

● Бу йилги вазият пахта йиғим-теримини қисқа муддатларда ўтказишни, план ва мажбуриятларнинг муқаррар бажарилишини талаб қилмоқда. Теримга ҳозирлик кўринг!

● Қардош Озарбайжон, Туркманистон ва Тожикистондан келган мусобақадошларнинг дўстона маслаҳатлари ва бегараз танқидлари тажриба мактаби бўлсин!

● Далада ишлаётганлар учун қулай шарт-шароит яратиш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг, энг муҳим шарти.



Суратда: озарбайжонлик ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

● ХОРАЗМ

МАСЛАҲАТ ҲАМ МАДАД

Мусобақадош, дўстлар мадади туфайли ҳар қандай машаққатни енгиш ва мақсадга эришиш мумкин. Озарбайжонлик қардошлар Хоразм далаларида бўлганида, ўзларининг конкрет маслаҳатлари билан воҳа деҳқонларига бебаҳо кўмак кўрсатишди. Улар ибратли тажрибаларини баҳам кўришиб, асосий эътиборни мавжуд камчиликларни тугатишга қаратдилар. Меҳмонлар Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг Юсуф Машарипов бошлиқ бригадасида меҳнатни ташкил этишнинг оила пудрати методи қандай самаралар бераётганлиги билан қизиқдилар, пудрат шартномаси аниқ ва пухта бажарилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини аҳолида таъкидлашди. Бригададаги пудратчиларнинг далаларида учинчи марта комплекс ишлов кўрган ғўзаларда ҳозирнинг ўзидаёқ 10-12 тадан тўқ кўсак бор.

Мусобақадошлар Янгибозор райони хўжаликларининг ишлари билан ҳам батафсил танишдилар. Уларда райондаги «Москва» колхозида мўл чорва озуқаси етиштириш йўлидаги ибратли ишлар яхши таассурот қолдирди. Хўжаликнинг О. Шукуржамедов бошлиқ озуқа тайёрлаш звеноси аъзолари бу йил лавлагининг ҳар гектаридан минг центнердан ҳосил олиш учун қурашмоқдалар.

Қардошлар райондаги «Ленинизм» колхози сут-товар фермасида чорвадорларга яратилган қулайликлар, ижара пудрати усулининг афзалликлари билан танишиб, бу соҳадаги баъзи муаммоларни ҳал этиш борасида ўз таклифларини илгари суришди. Шунингдек, Гурлан ва Шовот районлари далалари ва фермаларида бўлишиб, юксак социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текширдилар, ўзларининг дўстона маслаҳатларини бердилар. Шу факт характерлики, қардошлар маслаҳатлари асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланиб, сўз билан иш бирлиги таъминланмоқда.

— Озарбайжон пахтачилигини юксалтиришда ўзбек деҳқонларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Сизларнинг пахтадан мўл ҳосил олишдаги бой тажрибангиз бизга доим қўл келяпти, — деди ўзаро текшириш группаси аъзоси Озарбайжон ССРнинг Агдам районидаги «Социализм» колхозининг раиси И. Керимов.

Ф. ЗОҲИДОВ,
И. ШОМУРОДОВ.

«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбирлари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● ФАРҒОНА

ИШЛОВ ДАВОМ ЭТАВЕРСИН

Қўшни Ленинобод области далалари Фарғонанинг пахта пайкалларига туташиб кетган. Ҳар икки областнинг табиий, иқлим, ер, тупроқ шароитлари ҳам деярли бир хил. Қўшни пахтакорлар бир-бирларининг ҳолларидан тез-тез хабар олишиб, тажриба алмашиб турадилар. Шу кунларда Ленинобод область халқ контроли комитети раиси С. Очилиев бошчилигидаги ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Фарғона области далаларида бўлиб, ғўза парваришининг аҳволи, теримга тайёргарлик, агросаноат комплекси ходимлари олдида турган бошқа вазифаларнинг бажарилиши билан танишмоқдалар.

Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Тожикистонлик меҳмонларнинг фикрича, колхозда маррага интилиш иштиёқи ҳам шунга яраша.

— Мусобақадошларимизнинг ишлари чакки эмас, — дейди Масчоҳ районидаги Ленин номли колхоз раиси Абдуқаҳҳор Сандқулов. — Далаларда ҳосил мўл. Масалан, Мамадали Қўлдошев бошлиқ бригадада бир туп ғўзада 21 та бўлиқ кўсак санадик. Пайкалларга қараб кўз қувонади. Аммо, ишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, район хўжаликларини айланганимизда йиғим-теримга тайёргарликнинг аҳволи унчалик яхши эмаслиги аён бўлди. Пахта териш машиналари ва бошқа транспорт воситаларини, хирмонжойларни зудлик билан созлаб қўйиш даркор. Ахир, куз эшик қоқяпти!

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Риштон» совхозларидаги бошқа хўжаликларда ҳам бўлишиб, мусобақа шартларининг бажарилишини кузатдилар, меҳнат коллективларида учрашувлар ўтказдилар, тажрибаларни баҳам кўрдилар.

Айни пайтда баъзи хўжаликларда йўл қўйилаётган камчиликларни рўй-рост айтишди. Шуни алоҳида таъкидладиларки, областнинг айрим далаларида экинлар ривожи орқага қолаётир. Суғоришда узилишлар бўляпти. Бостириб суғорилган майдонлар билан бирга сувга чанқоқ пайкаллар ҳам бор. Айрим майдонлар ҳали бегона ўтлардан тозаланмаган. Жойларда муҳим агротехник тадбир — чеканка пайсалга солинаётир.

Меҳмонлар хўжаликларда раҳбар ва мутахассис кадрлар масаласи борасидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Хўжалик ҳисобида ишлаётган баъзи дала ва фермаларнинг қуйи ҳамда ўрта звено кадрлари орасида иқтисодий билимлари етарли бўлмаган кишилар борлигига эътироз билдиришди. Меҳнаткашларнинг иқтисодий билимларини муттасил ошириб бориш зарурлиги тўғрисида қимматли маслаҳатлар бердилар.

● НАВОИЙ

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИРОЗ

— Қардош Туркманистондан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Навоий области далаларида бўлиб, пахтакорлар амалга ошираётган ишлар билан танишмоқдалар. Улар областнинг илғор хўжаликларида ғўза ривожининг кўнгилдагидек бораётганлигидан, фермалардаги ибратли ишлардан, айниқса, мамнун бўлдилар.

Мусобақадошлар Қизилтепа райони меҳнаткашлари фаолияти билан танишувни «Нарпай» совхозидан бошлашди. Совхоз-райондаги энг йирик ва кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Коллективда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг илғор усуллари — хўжалик ҳисоби, бригада, ижара пудрати муваффақиятли жорий этилаётганлиги ютуқлар омили бўлмоқда.

Шунингдек, меҳмонлар бу ерда инсон омилини кучайтириш ва унга ғамхўрликни яхшилаш борасида қилинаётган ишлардан хурсанд бўлишди. Хўжалик меҳнаткашларининг маданий дам олишлари учун намунали маданият ва истироҳат боғи ташкил этилди. Пионерлар лагери фаол ишлаб турибди. Янги, замонавий мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. Уй жой масаласи ижобий ҳал қилинмоқда. Буларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрган қардош мусобақадош дўстлар мезбонлар шанига илиқ сўзлар айтишди.

— Ўзаро текшириш бригадамиз дўстларимиз ҳузурига фақат уларнинг ишини текшириш учунгина келган эмас, — дейди Туркманистоннинг Гўктепа районидаги Карл Маркс номли совхоз бош агрономи А. Муродов. — Улар ҳамкасблари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашиш, шу билан бирга бу ердаги ибратли ишларни ўрганиш учун ҳам келишган. Бизда айниқса, «Нарпай» совхозида олиб борилаётган қайта қуриш ишлари суръати яхши таассурот қолдирди.

Туркманистон вакиллари областнинг Навоий, Қизилтепа Навбаҳор ва Хатирчи районларидаги бошқа хўжаликларда ҳам бўлишиб, мусобақа шартларининг бажарилишини кузатдилар, меҳнат коллективларида учрашувлар ўтказдилар, тажрибаларни баҳам кўрдилар.

Айни пайтда баъзи хўжаликларда йўл қўйилаётган камчиликларни рўй-рост айтишди. Шуни алоҳида таъкидладиларки, областнинг айрим далаларида экинлар ривожи орқага қолаётир. Суғоришда узилишлар бўляпти. Бостириб суғорилган майдонлар билан бирга сувга чанқоқ пайкаллар ҳам бор. Айрим майдонлар ҳали бегона ўтлардан тозаланмаган. Жойларда муҳим агротехник тадбир — чеканка пайсалга солинаётир.

Меҳмонлар хўжаликларда раҳбар ва мутахассис кадрлар масаласи борасидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Хўжалик ҳисобида ишлаётган баъзи дала ва фермаларнинг қуйи ҳамда ўрта звено кадрлари орасида иқтисодий билимлари етарли бўлмаган кишилар борлигига эътироз билдиришди. Меҳнаткашларнинг иқтисодий билимларини муттасил ошириб бориш зарурлиги тўғрисида қимматли маслаҳатлар бердилар.

РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Ҳиндистон ва Бангладеш Коммунистик партияларининг активлари Ўзбекистон билан танишишни қадимий Бухорога бориб, шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечириб, қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашганларидан сўнг тугалладилар.

Меҳмонлар республикамизда бўлган вақтларида Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятига бордилар. Улар кўн-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, коммунистлар билан суҳбатлашдилар. Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи экспозициясини кўздан кечирдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетида суҳбат бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши: бошланғич ташкилотлар жанговарлиги кўриги

ЯНГИЛИКНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

— Аввало шуни айтмоқчиманки, — деди Марҳамат район партия комитетининг биринчи секретари Исоқжон Олимов, — районимизда жанговарлик кўригини фарғоналикларнинг тажрибасини ўрганишдан бошладик. Иккинчи секретарь Йўлдошали Эргашев Фарғона область Қувасой шаҳридаги «Мўян» боғдорчилик совхозида бир ой туриб, тажриба орттириб келди.

— 1985 йилда ҳам районимизда жанговарлик кўригини ўтказишга уриниб кўрилган эди, — деди Й. Эргашев суҳбатга қўшилиб, — раҳбар ходимлар учун алоҳида, оддий коммунистлар учун алоҳида кўрик комиссиялари тузилганди. Бироқ партком секретарларига конкрет тавсияномалар берилмади. Тайёргарликсиз, мақсадни тушунмасдан бошланган кўрик тезда барбод бўлди. Бу гал раҳбар ходимлар учун ҳам, оддий коммунистлар учун ҳам бир хил комиссия тузилди. Бу комиссия барчага баробар талаб қўяди. Ҳозир районда 17 та бошланғич ва цех партия ташкилотида жанговарлик кўриги комиссиялари иш олиб бормоқда.

«Комсомол 60 йиллиги» совхози 1-бўлими цех партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссияси аъзолари: партия ва меҳнат ветерани М. Мирзаев, бўлим агрономи М. Бўриев, бригада бошлиғи З. Қодиров, сувчи, партия группаси етакчиси Р. Ғозиев, пиллачилик бригадаси бошлиғи О. Ҳожибоев 2-бригада ишчиси, коммунист Ҳамробой Собиров билан узоқ суҳбатлашдилар. Комиссия унинг партия ва жамоат ҳаётидаги иштироки, оилавий аҳволи билан қизиқди, нима учун партия йиғилишларига келмаётгани, беш ойдан бери аъзолик бадалини тўламаётгани сабабларини суриштирди. Цех партия ташкилотининг секретари илгари ҳам Ҳ. Собиров билан якка тартибда суҳбатлашган, тартибга чақирган эди. Лекин у бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Комиссия цех партия ташкилотига Ҳ. Собировни КПСС сафида қолиш-қолмаслиги масаласини партия йиғилишида кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди.

Комиссия аъзолари партия группаси етакчиси Ҳасанбой Ҳайдаровга эса сиёсий билимини янада ошириш, ижтимоий ҳаётда фаолроқ қатнашиши кераклиги хусусида маслаҳатлар бердилар.

Суҳбат давомида коммунистлар партия ташкилоти фаолиятига холис баҳо бериш билан бирга, ўз мулоҳазаларини, дардларини ҳам айтмоқдалар. 2-бўлим ишчиси коммунист Зокиржон Остонақулов кўрик комиссияси аъзоларининг: «Турмуш шароитингиз қандай?» деган саволига жавобан «Инсон омили ҳақида кўп гапириляпти. Лекин қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. Мен анчадан буён оилам билан дала шийпонида яшаяпман. Бундан раҳбарлар хабардор, ер участкаси сўраганмиз. Бироқ амалий ёрдам беришмаяпти. Қачонгача шийпонда яшашимиз мумкин? Партия ташкилоти ҳам инсон тақдирига бефарқ қарамоқда», дея дардини айтди. Кўрик комиссияси бу ҳақда совхоз раҳбарларига ёзма ахборот берди.

Суҳбат жараёнида коммунистларнинг партия ташкилоти билан алоқаси, маънавияти, билим доираси, ишлаб чиқаришда тутган ўрни, оилавий аҳволи, турмуш шароити, томорқа хўжлигидан қандай фойдаланаётгани ҳақида ҳам суриштирилмоқда. Жанговарлик кўриги партия ходимлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва коммунистларнинг кўзини очяпти. Ҳамма ҳушёр тортиб, сиёсий, иқтисодий билимини ошириш, қайта қуриш талаблари даражасида ишлаш, турмуш тарзини ўзгартириш тараддудига тушиб қолди.

Район саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларида ҳам кўрик комиссиялари иш бошлашди. Коммунистлар билан ўтказилган суҳбатларда районда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг баъзи турлари бўйича тузилган шартномалар бажарилмаганлигининг сабаблари ҳам аниқланмоқда.

— Корхонамизда 11 кишидан иборат кўрик комиссияси тузилган, — деди «Электротехника» заводи бошланғич партия ташкилотининг секретари Тўхтасин Индиминов. — Комиссия составида йиғув цехи слесарлар бригадасининг бошлиғи, область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзоси Т. Назарова, прессловчи, райком аъзоси Ш. Нишонбоева, илғор ишчи, мураббий Н. Нишонов, слесарь А. Ф. Вигроненко ва бошқалар бор. Комиссия суҳбат анкетаси тайёрлади. Суҳбат пайтида коммунистлар ана шу анкета саволларига жавоб берадилар. Ҳар бир суҳбат жонли ва эркин мулоқотга айланмоқда.

Марҳамат район партия комитети кўрикка жиддий эътибор беряпти. Кўрикнинг коммунистлар билан суҳбатлашиш босқичи дастлабки якунлариёқ район партия ташкилоти иш услубидаги ютуқ ва камчиликларни очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Биз коммунистлар томонидан тўлдирилган суҳбат анкеталари билан танишдик. Очиғи, у пухта ўйлаб тузилмаган: пала-партиш, ортиқча саволлар кўп. Жанговарлик кўриги мавсумий иш эмас, у узоқ муддатга мўлжалланган. Район партия комитети анкета саволларини қайта кўриб чиқса фойдадан холи бўлмайди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Долзарб мавзу*

МАКТАБ ТУБ ЎЗГАРИШ БОСҚИЧИДА

Мактаб ҳар биримиз учун азиз ва мўътабардир. Ёш авлод революцион ўзгаришлар эстафетасини мактабдаёқ қабул қилиб олади. Республикамиз педагогика жамоатчилиги ўзининг кундалик ишида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кўрсатмаларига амал қилмоқдалар.

Жамиятни революцион янгилашга қаратилган йўл халқ маорифи системасини ислоҳ қилиш борасидаги улкан ва бунёдкор ишларни ҳам назарда тутади. Бу соҳадаги муаммолар йиллар давомида тўпланиб қолган. Бундан тўрт йил муқаддам бошланган умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти ҳам кутилган натижаларни бермади. Таълим ва тарбиянинг усулларини, техникавий таъминланиш даражасини, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштириш, педагогик кадрлар тайёрлаш каби муҳим йўналишларда олға силжиш сезиларли бўлмади.

Ўқитувчиларнинг август конференциялари халқ маорифини қайта қуриш йўлидаги муҳим вазифаларни бажаришга қаратилиши лозим. Ўқитувчилар бугунданоқ ўқув-тарбия жараёнининг барча муҳим муаммолари бўйича ошкора, ишончли фикр олишувга жиддий тайёргарлик кўришлари керак.

Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифасидир. Шунинг учун ҳам КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўрта ва олий мактаб ислоҳотини изчил ҳамда жадал амалга оширишни талаб қилди. Бу таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам, энг муҳими ўқитувчининг, тарбиячининг ролига ҳам тааллуқлидир. Маориф иши, илмий тадқиқотлар сифати юксак бўлмаса, умумий ва профессионал маданият бўлмаса, буларсиз қайта қуриш мақсадларига эришиб бўлмайди.

Умумий таълим мактабларида мактаб ички ҳаётини демократиялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Андижон область халқ маорифи бўлими бу борада муайян тажриба тўпламоқда. Педагогика коллективлари ҳаётида демократик асослар ривожлантирилиб, мактаб раҳбарларининг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда, уларнинг роли ва масъулияти ошириляпти. Маориф муассасалари раҳбарларини сайлов йўли билан тайинлаш жорий этилмоқда. 1987 йилда 27 та мактаб директори сайланган бўлса, бу йил 22 та мактаб ва 2 та мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатида директорлар сайланди. Андижон шаҳрида, Москва, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа районларида ўқитувчиларни малака ошириш курсларига дифференциаллашган тарзда жалб этиш системаси таркиб топмоқда. Кўпгина мактабларнинг педагогик коллективлари халқ маорифи кенгашлари ва мактаб кенгашларини ташкил этиш ҳақидаги масалани кенг муҳокама қиляптилар.

Мактабни таълим-тарбия, фарзандларимизнинг муқаддас маскани деб қараётган ташкилотлар кўп. Партия, совет ташкилотлари энг яхши биноларни келажак ворисларига ажратиб беришмоқда. Қулай ва шинам мактаб, боғчалар бинолари қуриляпти. Бироқ бунинг акси рўй бераётган жойлар ҳам йўқ эмас. Айрим оталиқ ташкилотлари мактабларга ёрдам беришдан бош тортишмоқда. Қурувчилар мактаблар қурилишини беҳад чўзиб юборяптилар. Жиззах, Сирдарё, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги мактабларда шундай аҳвол юз бераётир.

Қурувчиларнинг қўл учида, енгил-елпи иш бажариш ҳоллари учраётир. Янгиариқ районидаги Калинин номли, Андижон районидаги 41-мактаб бинолари шу йилнинг биринчи кварталида фойдаланишга топширилган эди. Афсуски, бу ўқув масканлари ҳозирнинг ўзида ремонтга муҳтож бўлиб турибди. Ҳазорасп районидаги Тимирязев номли, Янгиариқ районидаги Беруний номли мактаблар бинолари эса ўтган йили фойдаланишга топширилганига қарамай, ҳанузгача комплектлаштирилгани йўқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мактабларни сифатли дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш муҳим вазифадир. Бу ишни амалга ошириш зукколик ва билимдонликни, талабчанлик ва меҳнатсеварликни талаб этади. Шунга эришиш керакки, ҳар бир ўқувчи дарсликлардан бебаҳра қолмасин. Шу билан бирга юксак сифатли, давр талабига мос дарсликлар яратишни давом эттириш зарур. Бу ишга олимлар, ёзувчилар билан бирга тажрибали ўқитувчиларни ҳам жалб этиш муҳимдир.

Бу йил минглаб ёш ўқитувчи илк бор мактабга йўл олади. Уларга ёрдам кўрсатиш, мураббийлик қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Маҳаллий Советлар, касаба союз, комсомол ташкилотлари, ўқув юртлари ва мактаб раҳбарлари улар педагогика коллективларида муқим ишлаб қолишларига эришишлари, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари керак.

Республика Халқ таълими министрлиги олдида муҳим вазифалар турибди. Таълимнинг энг муҳим вазифаси — ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари ҳамиша диққат-эътиборда бўлсин. Бу мақсадга эришишнинг йўли ижодий изланиш, ўқитиш методлари ҳамда ўқув тарбия жараёнларини ташкил этишни такомиллаштиришдир.

Юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида ҳунар-техника таълими системасини янги поғонага кўтариш зарур. Тошкент шаҳридаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юрти коллективи ўқув-тарбия жараёнини даврга ҳамоҳанг ташкил этаётир. Лекин умуман олганда ўқитиш жараёни сифати ҳамон паст. Кўпгина билим юртларини битирганлар ўз мутахассислиги бўйича ишламаётирлар. Ёш ишчилар ўртасида қўнимсизлик ўсмоқда.

Ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш билан боғлиқ етилган масалаларни ҳал этишда ҳар бир участка ва звенонинг иши бирдай муҳимдир. Афсуски, партия комитетлари, совет органлари оила билан мактаб алоқасини мустаҳкамлаш, ота-оналар умумий таълимини уюштириш билан етарли шуғулланмаяптилар.

Бўлажак август конференцияларидан умид катта. Асосий гап эса халқ маорифини жадал ривожланаётган давримизга мувофиқ келадиган маррага олиб чиқиш ҳақида бормоқда. Бу ҳаммамиз ва ҳар биримиздан янада фидойилик, масъулият ва изланишни кутмоқда.

МАДАНИЯТ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА ФАН БЎЛИМИ

ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

Мактаб ислоҳоти талабларига кўра ўқитувчи ва ўқувчи дарс пайтида дарсдан ташқари ҳеч қандай ишга жалб этилмаслиги лозим. Тўғри, пахта йиғим-теримига иштирок этишимиз кескин қисқарди, бошқа хўжалик ишларига қатнашмадик. Лекин айрим «тарбиявий» ишларимиз таълим ишига мос келмаяпти. Чунончи, районларда спортнинг маълум турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш муддати дарс пайтига тўғри келади. Шунингдек, «Санъат байрами», турли хилдаги конкурслар ҳам шу йўсинда ўтказилади.

Болалар соғлом бўлсагина яхши билим олади, бақувват бўлиб ўсади. Лекин кўпчилик жойларда участка фельдшери дарс пайтида келиб ўқувчиларни эмлашни бошлайди.

Демоқчиманки, мактабда таълим учун ажратилган вақт таълим ишига сарфланса. Синфдан, мактабдан ташқари ишлар ўқитувчи, синф раҳбари, спорт ишлари билан шуғулланувчи инструкторлар ва бошқалар кўмагида ўтказилса. Дарс пайтида на ўқитувчига, на ўқувчига халақит берувчи, ўқув планига салбий таъсир кўрсатувчи киши бўлмаслиги керак.

Қ. НОРБОЕВ,
Самарқанд область, Пахтачи район, В. И. Ленин номли 13-ўрта мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчиси.

* * *

Бугунги кунда ҳар бир қишлоқ мактабида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ривожланишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Икки йилдирки, ижтимоий-фойдали меҳнат дарслари ўтиш учун ҳар бир синфга бир ҳафта учун дарс соатлари ажратилган.

Агарда ҳар бир мактабда фақат биттадан синф бўлса, меҳнат дарси 22 соатни ташкил этади. 18 соат бир ставкадан ҳисобланганда ставкаси 170 сўм бўлган ўқитувчига 188 сўм 80 тийин иш ҳақи тўланади. Иккитадан ёки учтадан синф бўлса-чи! Иттифоқ бўйича ҳисоблаб чиқсак, қанчадан-қанча пул сарфланмоқда.

Дарс соати берилмасдан олдин синфдан ташқари ишлар қилиниб, ариқ қазиш, ер ағдариш, дарахт тагини юмшатиш, экин экиш, синфни тозалаш каби юмушлар бепул бажарилар эди. Ҳозир ҳам асосан шу иш қилинмоқда. Оталиқ ташкилоти ер бермаса иш қилиш учун бирор жой ташкил этмаса, шароит яратмаса, бу дарс нега зарур. Ижтимоий-фойдали меҳнат дарсини қандай ўтказиш ҳақида бирор қўлланма ёки тавсиялар, намуналар йўқ.

Н. АБДУНАЗАРОВ,
кекса ўқитувчи. Самарқанд область, Большевик райони.

* * *

Навоий область Қизилтепа районидаги «Бухоро», Ибн Сино, Фурқат номли, «Ленинград», С. Орджоникидзе номли мактабларда ремонт ишлари тугалланиб улар янги ўқув йилига шайлаб қўйилди. Қатор мактаблар учун эса қўшимча корпус ва синф хоналари қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, район қурувчилари А. Навоий номли мактаб ўқувчилари учун 417 ўринли ва Ленин номли мактаб учун 320 ўринли қўшимча синф хоналарини битказиб, совға қилдилар.

Б. МАНСУРОВ.



ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ҳанифа Қодировани Сариосиё районида каттадан-кичик ҳамма танийди, ҳурмат қилади. У комсомол ветерани. Шарафли йўлни босиб ўтган онахон айни кунларда, таътил пайтида пионер ўқувчилар билан учрашиб суҳбатлашмоқда.

Суратда: Ҳ. Қодирова Карл Маркс номли иккинчи мактаб ўқувчилари билан.

С. ВЕЛИЧКИН ва А. КОШКИН фотоси (ЎзТАГ).

УСТАВ ТАСДИҚЛАНДИ

МОСКВА. (ТАСС мухбири А. Урванцев). Иттифоқ колхозлар кенгашининг 3 августда бўлиб ўтган мажлисида колхозларнинг янги намунавий Устави тасдиқланди.

Колхозларнинг янги намунавий Устави уларнинг кооператив моҳиятини қайта тиклашга, колхоз демократиясини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим. Маълумки, колхозчиларнинг тўртинчи Бутуниттифоқ съезди намунавий Уставни кўриб чиқиб, уни асос қилиб олди ҳамда Иттифоқ колхозлар кенгашига бўлиб ўтган муҳокамасини эътиборга олиб, уни узил-кесил тасдиқлашни, шунингдек «СССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун моддаларини тасдиқлашни топширди. Ҳужжатни пухта ишлаб чиқиш чоғида иттифоқдош республикаларнинг колхозлар кенгашларидан кўпгина таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, съезд делегатларининг таклифлари олинди. Уларнинг ҳаммаси қабул қилинган Уставда ҳисобга олинди. «СССРда кооперация тўғрисидаги» қонунга таяниб хўжалик мустақиллигини ҳамда колхоз мулкининг дахлсизлигини белгиловчи нормалар Уставга киритилган қўшимча ва тузатишларнинг энг кўп қисмини ташкил этди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида қишлоқда ижара муносабатларидан бутун чоралар билан фойдаланиш зарурлиги зўр куч билан уқтириб ўтилди. Шу боисдан Уставда озиқ-овқат маъмурчилигига олиб борадиган ишончли йўл сифатида ижара, коллектив ва оила пудратлари тўғрисидаги янги қоидалар баён этилган.

Иттифоқ колхозлар кенгашининг мажлисида кенгашнинг секциялари тузилди ва уларнинг составлари сайланди.

ЙЎЛ ТАНЛАБ

✦ Жамият тараққиёти йўлини танлаш кейинги вақтларда эълон қилинаётган кўпгина мақолаларнинг деярли бош мавзуси бўлиб қолди. Масалан, Ю. Н. Афанасьевнинг «Тарихчининг жавоблари» («Правда, 1988 йил 26 июль) мақоласида, биз фақат келажакдагина «социалистик йўлга яна тушиб олиш учун» «ўзимизда куч топишимиз»га «ишонишимиз керак», дейилади.

Йўлнинг тасаввури бизнинг кунларимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий мунозаралардан ўрин олаётганлиги тасодифий эмас. Мамлакат пухта ўйлаб кўраётган ва танлаётган йўл, унинг муюлишлари, кўтарилиш ва нишабликлари — буларнинг ҳаммаси инқилобий давр ташвишларидир.

Биз қаердан ва қаерга боряпмиз? Бугунги йўлни қандай ўтказяпмиз?

«ТАРИХЧИНИНГ жавоблари» мақоласида тарихни яхши ва ёмонга бўлиш рад этилади ва бу албатта тўғри қилинади. Агар биз олимга «нурли» ва «қоронғу» томонларни фақат мана шу нисбатдагина ёритишингиз мумкин, деб буйруқ бериш одатидан воз кечмас эканмиз, у ҳолда ҳеч қачон мамлакатнинг ҳақиқий тарихига эга бўлолмаймиз. Бироқ юқорида тилга олинган мақолада эълон қилинган принцип афсуски, амалга ошмади. Халқимиз 70 йил ичида нимани яратди ва умуман бирор нарса яратдими, деган масала очиқлигича қолмоқда. Сталин ўрнатган ғайриинсоний система ҳақида тўғри ва ёрқин айтилган, лекин «мен бизда яратилган жамиятни социалистик жамият деб ҳисобламайман» деган сўзларни ҳисобга олмаганда, мана шу система мавжудлигига қарамай қилинган халқ меҳнати натижалари тўғрисида лом-мим дейилмайди. Наҳотки бу бўлинмас тарих бўлса?

Мақолага шарҳ берилган, у ҳам қўшимча тушунтиришларни, суҳбатни давом эттиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» докладида Ленин раҳбарлигида партия ишлаб чиққан социализмга бориш йўли билан социализмни қуришнинг Сталин мажбуран қабул қилдирган йўллари ва усуллари ўртасидаги фарқ ишонарли тарзда кўрсатилган. «Шахсга сиғиниш муқаррар нарса эмас эди, албатта, — дейилади докладда. — У социализм табиатига ёт бўлиб, унинг асосий принципларидан чекинишдир ва шу тариқа уни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди».

Партия белгилаган социализмга бориш йўли билан Сталин амалиёти ўртасидаги принципиал тафовутни аниқ-равшан тасаввур этиш лозим. Акс ҳолда униси ҳам, буниси ҳам бараварига бирор йўлни танлаш имкониятига эга бўлмаган, деган тушунча туғилиши мумкин. Агар шахсга сиғинишнинг тақдири азалда ёзилганлигига қўшиладиган бўлсак, у ҳолда уни оқлашга тўғри келарди. Хўш, бугунги кунда онгли равишда, халқ олдидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда бундай позицияни ҳимоя қилиш мумкинми?

Ҳозирги пайтда ўтмишни тақдири азал нуқтаи назаридан тушунтиришга уринишлар тез-тез учраб турибди. Фикримизча, бу — марксча тафаккур анъаналарига мос тушмайди. Тарихий жараённи танлаб олиш имкониятидан маҳрум бўлган жараён деб тасаввур қилиш инсонни тарихий пашмалоқ, мўмин-қобил ижрочи ва гувоҳ даражасига келтириб қўяди. У ёки бу йўлдан бирини танлаб олиш имконияти ҳаёт табиатининг ўзида мавжудлигини очиқ-ойдин тушуниш, олға сурилаётган шу имкониятларни билиш инсон маънавий кучларини гуркиратади, унинг яшаш моҳиятини кўкларга кўтаради, уни ҳур-озод қилади.

Социализм ғояси бизнинг мамлакатимизда 70 йилдан бери ҳаётда, амалиётда синовдан ўтмоқда, халқ бошидан кечирган оғир машаққатларга қарамай, ўз истиқболини социализмсиз тасаввур этолмайди. Ижтимоий тузум моҳиятининг муҳим белгиси мана шунинг ўзидаёқ кўриниб турибди. Бу тўғри ва ўтган ўн йилликларга тааллуқлидир. Сталин ва унинг атрофидагилар социализмни ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш манфаати йўлида ёвузларча буздилар, ўзгача фикрлайдиганларни бостиришнинг мудҳиш механизмини вужудга келтирдилар. Бироқ, улар социализм мамлакати индустриясини ва мудофаасини қуришни таъминлашлари ҳам зарур эди. Халқ эса Сталиннинг яхшилаб ниқобланган жиноятлари ҳақидаги ҳақиқатни билмай, улар ортидан эргашди, бу амалий ишларга ишонди. Мана шунинг ўзи социализм нима учун энг оғир, аянчли дамларда ҳам жиддий бузилишларга қарамай омон қолганлигини тушунтириб беради. Социализм, энг аввало, халқнинг онгида ва яратувчилик меҳнатида, унинг олий мақсадлари ва орзу-умидларида яшади. Октябрь бахш этган ғоявий, маънавий омил шу тариқа барча қийинчиликларга қарамай сақланиб қолди. Маънавий куч шу тарзда тобланиб, социализм ғоясини Сталин тўғрисидаги ҳақиқатни билиб олганимиздан кейин ҳам сақлаб қолишга ёрдам берди.

Албатта, бугунги кунда бу ҳақиқатни тушуниш ва қабул қилишга тайёр бўлмаган кишилар ҳам борлиги билан ҳисоблашишга тўғри келади. Сталин номини социализмга тенглаштиришни истовчилар яна ва яна топилади, улар бу тенглаштиришдан қайта қуришга қарши фойдаланмоқдалар, уни социализмдан чекиниш деб баҳоламоқдалар. Бизни тартибсизликлар бошланиши ва демократиянинг «ҳаддан ошиши» билан қўрқитишга уринмоқдалар, ўтмишдан ўзбошимчалик ва зўравонлик ёрдамида «тартиб» ўрнатиш усулларини ўрганишга даъват этмоқдалар. Баъзи муаллифлар шахсга сиғинишни жаҳон революцион жараёнининг натижаси деб талқин қилиб, Сталинни айбларининг анчагина қисмидан халос этмоқчи бўладилар. Эмишки, у айбдор эмас, айбдор — революция. Айрим мақолаларда ҳаммасига халқ айбдор(ҳа, халқ айбдор, чунки у етарли даражада саводли ва маданиятли бўлмаган эмиш), бошқа мақолаларда эса большевиклар айбдор (революция барча қонун-қоидаларга кўра етилмай туриб, нима қилардилар инқилобни амалга ошириб?) дейилади. Уларнинг фикрига қўшиладиган бўлсак, ҳаммасига, ҳатто инсоният тарихи бутун боришининг ўзи айбдор бўлиб чиқади. Йўқ, у ёки бу тарихий йўлнинг объектив имкониятини тақдири азалда белгиланганлик қарашлари билан чалкаштириш мумкин эмас. Реал воқелик ҳамма вақт турли сиёсий кучлар ҳаракати учун кенг майдон очиб берган. Улардан қай бирига таяниш, қайсинисини қўллаб-қувватлаш, қай бирига қарши курашиш керак — мана шу танлаш учун бутун масъулият сиёсий лидер зиммасига тушади. Юз берган воқеаларга имконият яратган объектив шарт-шароитларни тан олиш — барибир Сталин бўйнидан тарихий айбларни олиб ташламайди.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бизнинг қаердан келганлигимиз ва ортда нималар қолдираётганлигимиз ҳақидаги баҳслар, энг аввало, ўтиб борадиган йўлимиз — қайта қуриш йўлини англаб етишимизга кўмаклашиши билан муҳимдир.

Бу йўл — пайпаслаб кўриладиган йўл эмас. Партия нимани истаётганлигини билади, унга қандай эришишни ҳам билади. «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» докладида, М. С. Горбачевнинг «Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси» деган нутқида, «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладда янгиланган социализмнинг аниқ-равшан концепцияси бор. Бу — мунтазам ривожланиб борувчи, ижодий, демократик, инсонпарвар социализм концепциясидир. «Демократия кўпроқ бўлсин, социализм кўпроқ бўлсин» формуласида қайта қуриш моҳияти ифодаланган.

Ўтмиш йиллардаги одатий тушунчалар нуқтаи назаридан қаралса, бундай шиорни тушуниб етиш қийин. Иқтисодий соҳада, масалан, социалистик тараққиёт даражаси узоқ йиллар мобайнида ижтимоий мулк шаклларининг сифат жиҳатдан эмас, балки миқдор жиҳатдан ўсишига қараб баҳоланиб келинди. Статистик справочниклар анчадан бери халқ хўжалиги асосий тармоқлари юз процент умумлаштирилганлигини кўрсатаётган бўлса, у ҳолда тўғридан-тўғри социализм кўпроқ бўлмайди, деган маъно келиб чиқади. Бундай тушунчалар доирасида айрим файласуфлар ва сиёсий иқтисодчиларнинг партия XX съездидан кейин ўттиз йил ўтса ҳамки Сталиннинг иқтисодий мавзудаги асарлари анъаналарига эргашишлари мантиққа хилоф бўлмайди. Унда социализм тараққиётининг истиқболи ишлаб чиқаришнинг сақланиб қолинган сўнгги кооператив формаларидан бири (тўғрироғи, номигагина бор) колхозларни давлат ихтиёрига ўтказиш билан боғланган эди. Шундай позициядан ёндашилса, қайта қуришнинг иқтисодий концепцияси кишини ҳатто таажжубга солиши мумкин: у ҳолда социализм кўпроқ эмас, балки камроқ бўлади-ку! Кооперация ҳақидаги Қонун, ижара муносабатларини ривожлантириш, социалистик бозор қонуниятларини ҳисобга олишга интилиш, планлаштиришда кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларни давлат ташкилотларидан олиб корхоналарга бериш, меҳнатга ҳақ тўлашда табақалаштириш ўсаётганлиги, нарх белгилаш принципларини қайта кўриб чиқиш, сурункасига норентабель ишлаётган корхоналарнинг синиш эҳтимолига йўл қўйилиши — буларнинг ҳаммаси социализм тўғрисидаги қотиб қолган тушунчаларга зиддир. Хўш, илмий тасаввурларга қандай муносабатда бўлиш керак?

Ленин томонидан 1918 йилдаёқ олға сурилган мезонни — амалда умумлаштиришни, национализациялаш ишини ишлаб чиқаришни реал эгаллаш билан чамбарчас боғлаш тўғрисидаги ленинча талабни эсга олайлик. Уни хўжалик ҳисобига ўтмаган одатдаги системадаги аҳволга солиштирайлик. Бу системада кимдир корхонадан ташқарида коллектив фаолиятининг планини белгилайди, шу планни бажариш учун ресурслар беради, иш муваффақиятини баҳолайди ва ушбу баҳонинг қандайлигига қараб мукофот белгилайди. Бу шундай муносабатларки, бунда халқ мулки расман умумлаштирилган бўлса-да, ундан, амалда «эгаси йўқдан» ҳамма — ишчидан тортиб министргача реал равишда фойдаланади.

Тўла хўжалик ҳисобига ўтиш билан янги тушунчалар — ё яқин вақтларгача умуман мавжуд бўлмаган ёки фақат назариядагина бўлиб, амалиётда қўлланилмаган, ҳатто социализмга мос келмайди, деб эълон қилинган меҳнат коллективининг хўжалик ҳисобидаги даромади, меҳнат коллективининг ўз-ўзини бошқариш, корхона планининг асоси бўлмиш иқтисодий норматив ва хўжалик шартномаси, иқтисодий мусобақа, шартномавий баҳо турмушдан жой олиши керак. Бу ерда марказий категория хўжалик ҳисоби даромадидир. Унда барча фойдали самарадан олинадиган тушумлар, ишлаб чиқариш коллективлари жамланади. Ундан барча сарф-харажатлар ва етказилган ҳар қандай зарарга тўланган маблағ чегириб қолинади. Корхона ходимларининг даромади хўжалик ҳисобидаги даромадга боғлиқ бўлади. У эса ўз навбатида ходимлар меҳнатига боғлиқдир. Бу — шундай иқтисодий муносабатлар системаси-ки, у корхона ходимини ҳақиқий хўжайинга айлантиради. Беҳуда гап, деб тез-тез тилга олинаётган хўжайинлик ҳисси иқтисодий ислоҳот муваффақият қозонган тақдирда, аниқ-равшан мазмун билан тўлдирилган моддий шаклга айланади. Социализмнинг (ленинчасига) асосий афзаллиги шундаки, «Ўзинг учун ишла» пропагандистик ибораларидан реал воқеликка айланади.

Иқтисодий ислоҳотнинг кенг жабҳасида давлат корхонаси ишини қайта қуришдаги воқеалар моҳияти ана шундай. Кейинги ўн йилликларда бизнинг хўжалик ҳаётимиздан якка тартибдаги, кейин эса кооператив ишлаб чиқариши амалда бутунлай қисиб чиқарилди. Буни, агар барча эҳтиёжлар давлат формалари асосида қондирилганида эди, юз процент умумлаштиришнинг исботи деб ҳисоблаш мумкин эди. Лекин ҳамма бало шундаки, бунда қониқтирилмаган талаб-эҳтиёжларнинг кенг кўламдаги барқарор соҳалари вужудга келди. Ишлаб чиқаришнинг социалистик шаклларини юз процент қамраб олишга барча ишлаб чиқаришни реал равишда умумлаштириш билан эмас, балки у ёки бу объектив сабабларга кўра, умумлаштирилиши мумкин бўлмаган участкаларни ажратиб ташлаш йўли билан эришилди. Лекин одамлар ҳаётий биринчи даражали хизматлар ва молларга бўлган эҳтиёжлари қондирилмаслигига тоқат қила олмайдилар. Қонуний йўл билан сотиб олиш мумкин бўлмаган нарсаларни ғайриқонуний йўллар билан оладилар. Якка тартибдаги яширин ишлаб чиқаришда кундалик пропаганда учун зарур бўлган статис

АДОЛАТ ТОПТАЛМАЙДИ

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТИНИ НЕГА ТАЪҚИБ ОСТИГА ОЛИШМОҚДА?

МУСОБАҚА: СУРЪАТ, СИФАТ ВА ТЕЖАМ

Янгича ишлаш шарофати

● Андижон трикотаж бирлашмасида тўла хўжалик ҳисобида ишлашнинг қувончли нишоналари кўриниб қолди. Мана, шу йилнинг 7 ойи якунлари: савдо тармоқларига шартномадаги маҳсулот етказиб бериш плани бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 2,7 процент ортди. Бу кўрсаткичлар ўтган йил шу давридагидан анча юқори.

Суръатни оширишда Н. Қозиева бошлиқ 2-цех, бирлашма ишчиларидан З. Бурхонова, М. Келдиева, М. Тожибоева ибрат бўлишяпти. Улар КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси талаблари асосида меҳнат қилиб, юқори самарадорлик учун мусобақада алоҳида ғайрат кўрсатишяпти

У. ХОЛИҚОВ,
Андижон шаҳри.

Юқори кўрсаткич

● — Коллективимиз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида кўтарилган масалаларни ўрганиб, сифат кўрсаткичларини яхшилаб бориш тадбирларини кўрмоқдалар, — — дейди, Марғилон ипак комбинати бригадири Марат Насибуллин. — Илғор тўқувчилар З. Мўсинова, М. Мадаминова, А. Охунова мунтазам сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлашяпти.

Бригада аввал қолоқ эди. Хўжалик ҳисобида ишлаш уларга мадад берди, илғорлар қаторига чиқиб олишди. Июль ойи якунлари буни исботлаб турибди: маҳсулот тайёрлаш плани 114,7 процент адо этилди, биринчи сортли маҳсулот 98,7 процентга кўтарилди.

Ф. ТОЖИБОЕВА,
Фарғона области.

Нобудгарчилик

● Бухоро консерва заводига кириш учун 60 дан зиёд юк машиналари, трактор тележкалари помидор ортилганича навбат кутиб турибди. Ҳайдовчиларнинг таъкидлашича, улар камида уч кеча-кундузда маҳсулот топширишга улгуришяпти. Ахир, бу вақт ичида маҳсулотнинг асосий қисми яроқсиз ҳолга келади-ку! Бу — кони зарар, нобудгарчилик эмасми?

Завод маҳсулотни қабул қилмас экан, қайта ишлаш корхоналарига камроқ помидор келтириб, ғавдо тармоқларига чиқариб сотган маъқул. Чунки помидор Бухоро бозорларида шундай пишиқчиликда ҳам етарли эмас. Шунда нобудгарчиликка камроқ йўл қўйиларди.

А. ҲАЙДАРОВ.
Бухоро области.

«Тошниёзов шахсан менда яхши таассурот қолдирмаган. Унн қабул қилдим, эшитдим, ҳаққа ўхшади. Аммо Зармитан геология қидирув экспедицияси рахбарларини ҳам айблаб бўлмайди. Умуман шикоятчи одам ҳақида илиқ фикр айтиш қийин».

Г. Кузнецов, район партия комитетининг биринчи секретари.

«Тошниёзов жуда ишчан йигит. Унинг устидан бизга шикоят тушди.- Текшириш давомида у ҳақ эканлигига ишондим. Депутат бўлгандан бери сочлари оқарибди. Жуда қийналиб кетган. Ахир, туҳмат, қизғанув олиш, таъқиб қилиш кимни ҳам чарчатмайди!!»

Я. Сариев, район партия комитети инструктори»

«Катта геолог О. Тошниёзов Оғайдар қидирув партиясида масъулиятни ҳис этмай ишлаяпти. Фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Жамоат ва ташкилотчилик ишларига лоқатли. Анкета тарқатилганда, унинг назарий тайёргарлиги, маданиятли эканлиги, зийраклиги ва ҳозиржавоблиги юқори баҳоланди.

Хулоса: Эгаллаб турган вазифасига нолойиқ. Геолог вазифасига тушириш тавсия этиладн».

1988 йилнинг 21 январь кунида ёзилган характеристикадан.

«Характеристикадан норози эканлигини айтди. Саволларга жавоб бермади. Қарор қилинди. Эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топилсин. Иккинчи категорияли геолог вазифасига кўчириш тавсия этиладн».

1988 йилнинг 21 январь куни ўтказилган аттестация протоколидан,

«Раҳмат Узоқов, Сайиқлбой Урозов, Бурхон Эшқувватов старший геолог Ширинбоев А. устидан шикоят хатини ёзиб беришни илтимос қилган эди. Мен энди билсам бу хатни Тошниёзов Олим номига чалиштириб юборибман. Менга геолог десалар депутат деб ёзибман».

Шофер Т. Отақуловнинг тушунтириш хатидан.

Дарвоқе, гап нимада ўзи? Нега область Совети депутати Олимжон Тошниёзов устидан шикоят уюштирилди, нега район партия комитети ҳалигача бу шикоятни «очиқ» сақламоқда? Тошниёзовни қувғинга олишлари, асоссиз характеристика тайёрлаб, уни обрўсизлантиришлари боиси нимада? Бу саволларга жавоб қидиришдан аввал яна бир ҳужжатга раҳм солайлик. Бу О. Тошниёзовнинг хатидир.

«1988 йилнинг январь ойида область ижрокоми фармойиши билан мени уй-жой программасини муҳокама этадиган IV сессияга тайёргарлик кўришга жалб этишди. Фармойишни экспедиция бошлиғи бўлмаганлиги сабабли ўринбосари И. М. Нутенкога кўрсатдим. Кейин тўрт кун шу масала билан банд бўлдим. Менга ишонмасдан ортимдан одам юборишибди. Ижрокомга бориб текшириб келишибди. Ишга чиқсам партия бошлиғи Зубарев В. М. «депутатлик ишларинг билан бўш вақтингда шуғулла» деди ва шу кунларн мени прогул қилган деб, табелга иш соати ёзишмади.

Мен бош геолог Ю. А. Майков ва партия бошлиғи В. М. Зубаревларнинг қилмишларини бир йилдан буён фош этиб келдим. Уларнинг бошини силаб қўйишди. Аксинча, Ю. А. Майков ўз қўли билан менга характеристика ёзди. Аттестацияда ҳам у ва Зубарев бошчилик қилишди. Якунловчи, тўғрироғи айбловчи нутқни ҳам Ю. А. Майков сўзлади. Орадан кўп ўтмай у Тошкентга, «Узбекгеология» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кўтарилиб кетди. У менинг обрўйимни тўкди, таққирлади».

Бу сатрларни бепарволик билан ўқиш қийин. Чунки халқ хизматкори — депутатни менсимасликка, уни ҳалол ҳаракати учун ҳақоратлашга ҳеч ким йўл бермаслиги керак. Аммо кўриниб турибдики, энг аввало, район партия комитетининг биринчи секретари, сўнг эса экспедиция раҳбарлари бунга йўл беришди. Тўғрироғи, геология қидирув экспедицияси раҳбарлари депутатни ҳолсизлантириб қўйишди. Агар воқеалар дебочасига назар солсак, бунинг сабабини дарров англаб оламиз.

Райком ва «кучлилар» область Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатишганди. Сайловолди йиғилишида бошқа номзод кўрсатишга имкон беришмади. Одамлар керакли жойларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Натижада йиғилиш бекор қилинди ва демократия асосида бир неча кишининг номзоди кўрсатилди. Шу йиғилишда О. Тошниёзов ҳам сўзга чиқиб, камчиликларни очиқ-ойдин айтди ва мен депутат бўлсам, мана бу нарсаларга эътибор қилардим, деб ўз фикрини баён этди.

«Мен депутат бўлсам...» Бу сўзлардан кейинги гаплар сайловчиларнинг юрагига кириб борди. Шу боис улар О. Тошниёзов номзодини кўрсатишди ва уни сайлашди. Бу эса айримларга ёқмади. Нега? Чунки анча вақтдан бери экспедиция бошлиғи Ю. Цой партия ташкилоти бюроси секретари И. Назаров, касаба союз комитети раиси Н. Чеплановада О. Тошниёзовнинг рапортлари ёттанди. Бу ҳужжатларда у йиллар давомида чуқур илдиз отган иллатларни фош этганди ва чора кўришни талаб қилганди. Энди у депутат бўлди, ваколати ошди. Епиқли қозонда нима борлигини эл-улусга ошкор қилиши мумкин. Ана шу ўй-фикрлар баъзиларга тинчлик бермади. Шундай бўлди ҳам. У ҳақиқат учун курашди.

— Зубарев чин дилдан айбига иқрор бўлди,—деди у.—Бундан кейин такрорланмаслигини айтди. Шунинг учун чора кўрмадим.

Масала 15 октябрь куни партком мажлисида муҳокама этилганда ҳам коммунист В. Зубарев ўз айбининг бир қисмига иқрор бўлди. Шунга қарамасдан масала яна чўзилди. Бу сафар геологлар билан суҳбатлашиш керак, деган баҳона топилди. Қарангки, олти ой бунинг учун камлик қилган экан.

Олимжон Тошниёзовнинг кетма-кет мурожаатларидан кейин 12 ноябрь куни яна партбюро мажлиси чақирилди. Қуйида мажлиснинг протоколидан кўчирма келтирамиз.

«Назаров И. Ш. — Партия бюроси секретари: — Ўртоқлар 1987 йил 15 октябрдаги мажлисда коммунист В. М. Зубаревнинг хатти-ҳаракатларн муҳокама қилиниб, бу масалани геологлар билан суҳбатлашгач якунлашга келишгандик.

9 ноябрь куни маъмурият, касаба союз комитети ҳамкорликда қидирув партияси геологлари фикрини суриштирдик. Натижада шу нарса аниқландики, ҳақиқатан ҳам В. М. Зубарев нотўғри ҳаракат қилган».

Нотўғри ҳаракат нима эди!

«1986 йил баҳорда, мукофотларни тарқатганда В. М. Зубарев мендан ўн сўм ушлаб қолди. Бизга мукофот ёзган меҳнат ва маош бўлимн, план бўлимн ходимларини хурсанд қилмоқчи эканини айтди».

Шу мазмундаги тушунтириш хатини геолог М. Доскалиев, А. Сердюков, М. Ширинбоев, Ф. Неъматов ва бошқалар ёзиб беришди. Ўн сўмдан пул олганини М. Зубарев тан олди. Лекин мавсумий ишчи Ж. Абдуллаевга мукофот ёзиб, 190 сўмини ушлаб қолганини бошқача асослади. Яъни, Абдуллаев бир пайтлар ундан қарз олган эмиш. Бу баҳонани эшитиб Жумақул аканинг фиғони кўкка кўтарилди. У Зубаревнинг «сири»ни ошкор қилгани учун ҳозир ишсиз юрибди. Ю. А. Цойнинг изоҳлашича ишчи кучи кўп экан. Қизиқ, нега шунча йил у жимгина ишлади-ю, энди кераксиз одамга айланди? Қилич Номозов ҳам 14 йил мавсумий ишларда фаол меҳнат қилди. Ўн икки фарзандининг отасини ҳам ишсиз қолдиришди. Ҳа, О. Тошниёзов тўғри ёзганди, «сир»ни ошкор қилган кишига оғир. Ҳозир бу одамларнинг ёзма мурожаатларини инобатга олишмаяпти.

Ахир, улар ишдан кетмасларидан бурун ноҳақлик қа қарши чиқишганди-ку?! Нега ўзлари қурбонга айланишди. Партбюро мажлисида эса мана бундай қарор қилинди:

«1. Ходимлардан ишлаб чиқариш харажатларн учун пул тергани учун, лекин ўз хатосини тан олгани ва масала муҳокамасигача пулларни эгаларига қайтиб берганини ҳисобга олиб ўртоқ Зубарев В. М. га қаттиқ выговор эълон қилинсин».

Ҳа, киши ҳайратланадиган қарор. Тушунтириш хатларида ёзилишича у пулни идора ходимларига деб тўплаган. Лекин ҳужжатларга эмас, В. Зубаревнинг оғзаки гапига ишонишган. «Ишлаб чиқариш харажати...» Бу иборанинг ўз жумбоқлари бор. Қолаверса бирор киши пулни қайтиб олгани ҳақида ёзмаган-ку. Хуллас, В. Зубарев кўпчиликнинг, айниқса раҳбарларнинг «ҳурматли» кишиси эканлиги ойдин бўлди. Фикримизни яна бир далил билан мустаҳкамламоқчимиз. Шу воқеадан ўн саккиз кун ўтгач, ёпиқ партия йиғилиши бўлди. Унда район партия комитети биринчи секретари Г. Д. Кузнецов қатнашди. Шу йиғилишда В. М. Зубаревни партия бюроси аъзолигига сайлашди.

— У жазоланган экан, тағин шу ойда...

— Демократия, — деди биринчи секретарь. — Уни мен эмас, коммунистлар сайлашди.

Коммунистлар билан суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, у нега жазоланганини билишмас экан. Партбюро протоколини ўқиб беришимизни сўрашди. Шундан сўнг кўпчилик ҳайрон қолди. Дарвоқе, шу орада партбюрога В. М. Зубаревни ҳимоя қилувчи, О. Тошниёзовни қораловчи хат тушди.

— Коммунист Зубаревни кимдан ҳимоя қилдингизлар? — сўраймиз муаллифлардан.

— Бош геолог Владимир Алексеевич Хремов шунақа хат керак, деди. Кейин қўл қўйдик. Лекин О. Тошниёзовга ҳеч қандай даъвомиз йўқ,—дейишди. Бу суҳбат узоқ давом этди. Уни магнит лентасига ёзиб олдик. Айримлар протокол ўқилгач, ўз имзоларини ҳисобга олмасликни сўрашди. Мана, сизга кучли кишилар»нинг ҳийла-найранглари.

В. Зубарев меҳнат коллективи кенгашининг раиси ҳамдир. Хуллас, кўп нарса унинг қўлида, кўп одам унинг йўлига юради. Шу сабаб унинг жиноятларини ҳам хаспўшлашади. Фақат Л. Н. Сердюков унинг кўзига тик боқиб, пул тарқатганда истаганча ушлаб қолиши, бензин ва бошқа нарсалар сотиши ҳақида чўчимай гапирди. У қўлимизга бир бетли аризани топшириб, уни албатта, эътиборга олишимизни сўради. Хўш, А. Н. Сердюков ўз ҳамкасби ҳақида нима ёздийкин?

«Мен, А. Н. Сердюков бутун жавобгарликни ҳис қилган ҳолда мурожаат қиламанки, В. М. Зубаревнинг ҳийла-найранглари ҳеч қандай шубҳасиз асослидир. Бу дала ишларига путур етказди, ишончсизлик муҳитнни вужудга келтирди. Инженер-техник ходимлар ва ишчилар ўртасидаги муносабатга дарз солди. Агар жиноят кодексида қабиҳлик ҳақида модда бўлса, бу тўғридан-тўғри В. М. Зубаревнинг хатти-ҳаракатларига мос тушарди».

Хуллас, В. М. Зубаревга ишонишди-ю, уни фош этишга киришган О. Тошниёзовни ёмон кўришди. Унинг устидан уйдирма шикоятни ёзган ҳам В. Зубаревнинг шофери Т. Отақуловдир. Ачинарли томони шундаки, бўҳтон эканлиги аниқланган бўлсада, ҳамон райком О. Тошниёзовни сўроққа чақиряпти-ю, тўҳматчиларни эса «топишолмаяпти», яъни ҳар сафар экспедиция бошлиғи Ю. А. Цой ана шундай баҳонани рўкач қилмоқда.

Қўлимизда экспедиция партияларидаги қинғирликларни фош этиб ёзилган рапортлардан етгитасининг нусхаси. Булар О. Тошниёзов ва бошқалар томонидан экспедиция раҳбарлари номига ёзилган. Лекин бирортаси юзасидан амалий чора кўрилмаган. Шундай экан партия йиғилишларида танқид ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бошлиқлар чора кўришди, фақат Тошниёзовга, унинг телефонини узиб қўйишди, депутат ишлайдиган жой билан таъмин этишмади, ҳар қадамини кузатишди. Оиласи ҳақида ҳақоратомуз гаплар тарқатишди. Шундай шароитда у қандай қилиб халқ хизматига бел боғласин?

«Менинг айбим одамлар юрагида бекниб ётган дардни ошкора этиб, адолат учун курашга чиққанимдами! Мен бир йил давомида қанчаданқанча кўзбўямачиликларни дадил айтдим, тузатайлик дедим. Менга ҳеч ким қулоқ солмади. Районда ҳам бир неча бор бўлдим. Ваъда бершади-ю, лекин мен ҳақимдаги мишмишларга маҳлиё бўлншадн».

О. Тошниёзов билан бўлган суҳбатдан.

«О. Тошниёзовгагина ишониш керак эмас. Сиз у ердаги раҳбарларга ҳам қулоқ тутинг. Айниқса Ю. Цойдан ароқ масаласини сўранг. Тошниёзов бир машина ароқ келтириб сотайлик дебди».

Г. Д. Кузнецов билан суҳбатдан.

«Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. Д. Кузнецов билан Ю. А. Майков иштирокида В. М. Зубарев ва О. Тошниёзов муносабатлари ҳақида гаплашгандик. Уларнинг ўтмишларига характеристика берганда Тошниёзов 1979 йилда (!) бир машина ароқ олиб келиб сотайлик девди, деган гапни айтган бўлишнм мумкин».

Цой Ю. А.

Экспедицияда ҳозиргача 85 кишн аттестациядан ўтказилди. Икки кишн вазифасига нолойиқ деб топилди. Бири Тошниёзов, иккинчиси Ширинбоевдир».

Аттестация ҳақидаги справкадан.

Ана шунақа гаплар. Биз қайтаркаимиз, В. М. Зубарев ҳузуримизга дўстларини олиб кирди. Булар экспедициянинг турли раҳбарлари эдилар.

— Кимнидир эмас, бизни эшитинг, билдингизми? — пўписа қила бошлади бош геолог вазифасини бажарувчи А. Карчинский.— Ўша Тошниёзов ким бўлди?

Яқиндагина ишга келган бу ёш йигитчага раҳмим келди. У аллақачон «ўз фикрини» ўзгалар фикри асосида баён этишга ўрганибди. Қизиқ, у қандай қилиб О. Тошниёзов ҳақида чўчимай салбий фикр юритди? Балки худди шу хислати учун уни бош геолог вазифасига тавсия этишган бўлишса не ажаб?! Шундай бораверса устози Майковга ўхшаб тез орада яна ҳам баландлаб парвоз қилади.

«Ўша Тошниёзов ким бўлди?» Бу савол эгасига жавобимиз қисқа. У халқ депутати. Уни кимдир эмас, айнан халқ тавсия этган. Уни кимлардир эмас, халқ сайлаган. Шундай экан, унинг кимлигини билиб қўйинг!

Халқ депутатини тақибга олишмоқда, у устивор этмоқчи бўлган адолатни топташга уринишяпти. Хўш, шундай шароитда уни ким ҳимоя қилади? Ҳа, қонун ҳимоя қилади дейсиз. Бироқ кўзбўямачилик, одамлар ҳақига хиёнат синғари жиноятни бекитган кишилар ўша қонун билан ҳисоблашармиканлар? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул. Албатта, ҳозирча.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» нинг Самарқанд области бўйича мухбири.

О Л И Н Д И

чи ёки мол ишлаб чиқарувчи учун кам фойда беради. Подпольега киритиб қўйилган якка тартибдаги ёки кооператив ишлаб чиқариш, шубҳасиз, давлат томонидан тан олинган ва назорат қилиб турилади ганидан кўра реал умумлаштиришнинг кам даражасини ифодалайди.

Қўриб турибмизки бизнинг иқтисодиётимиз бир жойда депсиниб тураверса, ишлаб чиқаришнинг боришига сезиларли таъсир кўрсата олмаслиги тан олинган, ахир. Кўргазмали, яққол кўзга ташланадиган натижаларнинг йўқлиги — қайта қуриш иши учун жиддий хавф бўлиб, уни ҳисобга олмасдан илож йўқ. Иқтисодий сиёсатда озиқ-овқат муаммоси, бозордаги мувозанат, уй-жой қурилиши устун даражада қаттиқ таклаб қун тартибига қўйилмоқда. Давлат бошқарув аппаратини қайта қурувчи дадил ҳаракатлар керак. Оммавий социал манфаатлар билан боғлиқ мураккаб одимлар ҳам етилди. Бошқача айтганда, экономика соҳасида етилган одимлар муҳим сиёсий жиҳатга эга, у омма томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож. Шу боис уларнинг социалистик моҳиятига бўлган ишонч катта аҳамиятга эга.

XIX партия конференцияси бошлаб берган сиёсий системани ислоҳ қилиш бу ишончни улкан даражада мустаҳкамлайди. Партия ва Советлар бажарадиган ишларнинг бир-биридан ажратилиши, сайлаб қўйиладиган ва ҳаракатчанлигини эслаш мумкин. Шиддатли ривожланиш, у ҳолатдан бу ҳолатга тез ўтиш даврида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ҳа, ўтқинчи **ҳолатларни** аниқлаш қийин, ҳатто баъзан маъносиз бўлади. Аммо **тараққиётнинг йўналиши,** айниқса, қайта қуриш даврида аниқ белгланиши керак. Ўша иқтисодий ислоҳотни олайлик. Унинг дастлабки пайтларда

лат халқ учун хизмат қилади.

Айтилган гаплар фақат экономика ва сиёсатгагина эмас, балки маънавий жараённинг барча соҳаларига ҳам тааллуқлидирки, бу нарса ҳозирги кунларимизда айниқса, муҳимдир.

Апрелдан кейинги тараққиётнинг уч йили шуни кўрсатдики, ошкоралик қайта қуриш учун ҳақиқий кислород бўлди, унинг йўлини тўсмоқ ниҳоятда хавфлидир. Одамлар социализмда тўйиб-тўйиб нафас олишни истайдилар, ҳамма нарсани билишни ва ҳамма соҳада мустақил иш кўришни хоҳлайдилар. Ошкоралик социалистик янгиланиш концепциясига муваққат восита сифатида эмас, қандайдир «чиркин либераллар»га ён бериш сифатида эмас, балки инсоннинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган муҳим ва абадий шартлардан бири сифатида киради. Афсуски, бизнинг фикримизча, кейинги пайтларда жамиятимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан мислсиз равишда олға интилганлиги факти ўз баҳосини ололмай турибди. Бу, энг аввало, халқ томонидан улкан маъновий, бадиий ва илмий бойликларни ўзлаштиришда ва халққа қайтарилишида ўз ифодасини топди. У янги, талабчан, ёлғон, сохтакорлик, бетартиблик учун ҳеч кимни кечирмайдиган маънавий муҳитда мужассам бўлмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, ўн йиллар давомида ўсиб илдиз отган, ўзининг биргина мавжудлиги билан ҳам одамларни, партияни, жамиятни таққирлаган эски идеологик қўрқувлар бир зумда ҳеч қаёққа йўқолгани йўқ. Улар бугунги кунда инсон мавжудлигининг умрини ўтаб бўлган, хўрланган шаклларининг ҳимоячиси эмас, балки ўз бадиий истеъдодига кўра, «ақл-идрок ва тараққиёт шамчироғи» бўлиши керак бўлган кишилар томонидан баъзан авж олдирилмоқда. Аллақандай зарарли, бузғунчи, ёвуз ниятли кучларни қидиришга майл уйғотувчи идеологик қўрқувлар ҳотираси бор кишиларга жуда яхши маълум. Қайта қуриш ёркин ва дадил ақл-идрок иши сифатида бу қўрқувларни рад этади, у халқнинг соғлом ақл-идрокига ва онглилигига таянади.

Ошкоралик бизнинг матбуотимизни бузмоқда ёки бузиб бўлди, у беқарордаштириш омилига айлантираяпти, деб ҳисоблаш учун жуда нохолис кузатувчи бўлиш керак. Биз ҳаммамиз кўп нарсада матбуотимиздан, журналистикадан миннатдормиз. Улар бизга халқда пишилиб етилган тажриба ва мулоҳазаларнинг бойлигини ҳис этиш, халқ фикрини эшитиш имконини бердилар. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, ошкоралик тарафдорларининг ўзлари, энг аввало, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари бошқаларга қараганда кўпроқ ошкораликни мақташдан кўра унинг камчиликларини тузатиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Баъзи ёзувчиларда билим, профессионал маҳорат, бугунги реал тажрибани топиш ва таҳлил этиш салоҳияти, баъзан эса оддий инсоний ҳалоллик етишмайди. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаймизки, матбуот шанига ҳозир айтилаётган кескин таъналарнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини турғунлик даврига —матбуот органларининг кўпидаги итоаткорликни шундай бўлиши керак деб қабул қилинган ва уларни бошқариб турувчи шахслар норозилигини туғдирмайдиган даврга ўтказиш мумкин бўлганида эди, бу нарса кўпроқ адолатли ва ўринли чиқарди.

Ошкоралик ва демократия даври миллий маданиятларнинг янги ўсиш даври бўлди. Ўттизинчи йиллардаги репрессияларда чок-чокидан сўкилган анъаналар қўллаб-қувватланмоқда, тикланмоқда, халқ учун ардоқли бўлган номлар халққа яна қайтарилмоқда. Бизнинг кўп миллатли маданиятимиз бундан янада бойимоқда, унинг ички ўзаро алмашуви анча аҳамиятли, янада қизиқарли, мазмунли бўлиши кутилмоқда.

Янгиланаётган социализм инсонга юз ўгирган, агар у ҳақиқатан ҳам социализм деб аталишини истаса, бошқача ҳаракат қилиши ҳам мумкин эмас. У инсонга, унинг ташаббусига, ақлига, истеъдодига, эркин ривожланаётган шахснинг энг яхши фазилатларига ишонади. Аниқроқ айтсак, социализм улардан чиқиб келади, улардан ўсиб етишади, юқорида қандайдир оламгирнинг зўрлаши билан эмас, аксинча, коллектив ижод натижасига айланади. Эҳтимол, бу революцион, демократик ўзгаришларнинг дастлабки нишоналаридир; мамлакатга яна ҳар бир одам керак, мамлакат яна ҳар бир кишининг имкониятларига ишонади, мамлакат яна қуйидан халқнинг ўзи томонидан қурилмоқда. Қайта қуриш инсон қандайдир ноинсоний мавҳум мақсадларга эришиш воситаси эмаслигини тасдиқлайди. Инсоннинг ўзи, унинг маънавий камолоти — социализм мақсадидир.

Йўқ, биз туманда дайдиб юрмаяпмиз. Биз нималарнинг баҳридан воз кечаётганлигимизни эслаймиз ва нимага интилаётганлигимизни биламиз. Брежневчилик, рашидовчилик, Одилов зиндони социализмдан чиққан эмас, улар бизнинг ижтимоий тузумимизнинг ҳақиқий илдизларини унутиб қўйиш мевасидир. Аммо ҳокимиятни суиистеъмол қилишлар халқнинг бутун ҳаётини тўса олмади, уни ўз остига олиб янчолмади. Умуман олганда, қайта қуриш ғоясининг ўзи осмондан тушган нарса эмас. Партияда, жамиятнинг барча қатламларида соғлом кучлар бор эди, улар социализмни янгилаш ғоясини пишиқтирдилар. Бу кучлар фанда ҳам, адабиётда ҳам, санъатда ҳам ҳаракат қилдилар.

Турғунлик ҳаммага ҳам дахл қилгани йўқ, ҳамма жим турди, деб бўлмайди, ҳамма ҳам пора бериб пора олди, дейиш қийин, ҳамма ҳам суюлиб кетгани йўқ, бюрократиянинг қора қўтири ҳаммани ҳам қоплай олмади. Халқнинг кўпчилиги ҳамма даврда меҳнат қилди. Худди шу сабабли мамлакат қаерга бораётганлигини билади, янгиланиш ва демократия, инсонпарвар социализмни янада ривожлантириш йўлидан бораётганлигига шубҳаланмайди.

Тўғри танланган йўлда ҳам муваффақият ўз-ўзидан келмаслиги аёндир. Қайта қуриш барча хавф-хатарни бартараф этди, деб ҳеч ким тасдиқлай олмайди. Аксинча, бу хавф-хатарлар ҳали ниҳоятда каттадир. Шуниси ҳам аниқки, қайта қуриш айримларга маъқул тушаётгани йўқ, унга тўсқинлик қилаётган кучлар ҳам катта ва хавфлидир. Улар ҳар қандай қулай ҳолда реваншга олишга интилмоқдалар. Бу ҳақда «Правда» газетасининг 1988 йил 5 апрель сонидаги редакцион мақоласида сўз юритилди. Уларни апрель Пленумидан то XIX партия конференциясигача, Марказий Комитетнинг яқинда бўлган июль Пленумигача ўтган даврда қабул қилинган қарорларни бажариш учун кундалик, фидокорона, қоралама иш билан бартараф этиш мумкин.

Йўл танлаб олинди. Қайта қуришни осмонга кўтарилган-у, лекин борар жойида қўниш майдончаси борми, йўқми, билмайдиган самолётга таққослаш керак эмас.

В. И. Ленин қарама-қарши қоллар тўқнашади, деб таъкидлаган эди. Бизнинг давримизда иккита қарамақарши ҳол: консерватизм ва бесабрлик тўқнашяпти. Бир хиллар сталинизмни соғиниб хўрсинадилар, бошқалар воқеаларнинг боришини, уларнинг мантиқи ва реал шароити билан ҳисоблашмай, тезлаштирмоқчи бўладилар. Лекин сиёсатда йўлни тўғри танлаб олиш ва бу йўлдан бир қадам ҳам четга чиқмаслик бир хил даражада муҳимдир. Ҳар қандай терсматерс қоллар етилган вақтни бой беришга олиб келади.

Албатта, ҳаёт ҳар куни янги муаммоларни ўртага қўяди, янги жавобларни қидиришга мажбур қилади. Лекин, у қўрқинчли эмас— бу яхшидир.

Игорь ДЕДКОВ,
«Коммунист» журналининг сиёсий шарҳловчиси.

Отто ЛАЦИС,
журнал бош редакторининг биринчи ўринбосари.

(«Правда», 1988 йил 31 июль).

Дунё овози

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОЛИВИЯГА ВИЗИТИ ЯКУНЛАНДИ

ЛА-ПАС, 3 август. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Қ. Ҳабибуллаев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг Боливияга қилган визити якунланди. Матбуотда эълон қилиш учун қабул қилинган Совет — Боливия қўшма ахборотида Совет парламенти аъзолари билан Боливия раҳбарлари ўртасида бўлган музокараларнинг асосий якунлари баён этилган.

Альто халқаро аэропортида Совет делегациясини Боливия миллий конгресси (парламенти) аъзолари, ташқи ишлар министрлиги раҳбариятининг вакиллари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН КЕЛГАНЛАР

Тошкентдаги Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйидаги учрашув Германия Федератив Республикаси антифашист ёзувчилари ижоди билан таништирди. Ўзбекистон билан танишиш учун келган Германия Федератив Республикаси ёзувчи ва шоирлари бу ерда ўз асарларидан парчалар ўқиб беришди.

— Бугун Совет Иттифоқида содир бўлаётган ўзгаришлар бутун жаҳонда, шу жумладан ГФРда зўр қизиқиш уйғотмоқда, — деди тинчлик учун курашувчи немис ёзувчилари уюшмасининг раиси Петер Шютт. — Бу ўзгаришлар янги сиёсий тафаккурга асосланган ҳамда алоқаларни яхшилаш ва уларни кенгайтиришга қаратилган Шу сабабли СССР Ёзувчилар союзининг мамлакатингизга таклифини қувонч билан қабул қилдик. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистонда бўлдик. Мазкур республикалар халқлари ҳаёти, маданияти билан танишдик. Мана энди Ўзбекистонга келдик. Бу ерда кўпгина қизиқарли учрашувлар бўлди. Ҳамма ердагидек, бу ерда ҳам одамлар тинчлик ва ҳамкорлик ҳақидаги орзу-умидларини қизғин изҳор қилмоқдалар. Биз ўзбек диёрида анчагина яхши дўстлар орттирдик.

ГФР ёзувчилари СССРга қилган сафари чоғида тўпланган материаллардан «Совет кишилари тинчлик учун курашда» деган коллектив бадиий публицистик тўплам нашр этиш ниятидалар.

(ЎзТАГ).

ЭРОН—ИРОҚ:

МОЖАРОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА

БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр 2 август куни журналистлар билан суҳбатда Эрон ҳукумати ҳам, Ироқ ҳукумати ҳам иккала мамлакат ўртасидаги можарони бартараф этишдан манфаатдорлигига ишончи комил эканлигини айтди.

Перес де Куэльяр саккиз йилдан буён давом этаётган урушни қисқа муддатда тўхтатиш мумкин эмаслигини таъкидлади. БМТ экспертлари миссиясининг аъзолари чоршанба куни Нью-Йоркка келгач, улар билан учрашувдан кейингина ўт очишни тўхтатиш кунини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Миссия аъзолари Эрон ва Ироқ пойтахтларида ана шу мамлакатларнинг раҳбарлари билан учрашув натижасида ўт очишни тўхтатишнинг техник шартлари тўғрисида тавсаввурга эгадирлар. Шундан сўнг Хавфсизлик Кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашув бўлади. Маслаҳатлашув, шунингдек мазкур масала юзасидан ҳар икки томоннинг позицияларн аниқлаб олинганидан кейин отишмани тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

(ТАСС, 3 август).

БАЁНОТ ТАРҚАТИЛДИ

● БОНН. Германия социал-демократик партиясининг Бундестагдаги фракцияси раисининг ўринбосари Вольфганг Рот социалистик мамлакатларга экспорт устидан назорат мувофиқлаштирувчи комитетининг ушбу мамлакатларга бир қанча товарлар ва технологияларни етказиб беришни тақиқлайдиган рўйхатларни батамом қайта кўриб чиқишни маъқуллади. Бу ерда тарқатилган баёнотда у мазкур мувофиқлаштирувчи комитетнинг рўйхатларида санаб ўтилган чеклашларнинг 90 процентн ортиқча бўлиб, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга жиддий тов бўлмоқда, деб таъкидлади.

(ТАСС).

• *Чин сўз—мўътабар*

ВАЪДА БЕРДИНГМИ, БАЖАР!

Ёш коммунист Александр Леонидович Лихинга ишонч билан яна бир оғир участкага раҳбарлик вазифаси топширилди...

Қарши тикувчилик бирлашмаси бир неча йиллардан бери план-топшириқларини бажармас, коллективда маънавий-ахлоқий, психологик иқлим ҳам издан чиққанди. Бирлашмада тартиб-интизомнинг бузилиб кетганлиги тўғрисида юқори ташкилотларга арз ва шикоятлар оқими ҳам кўпайиб кетганди. Раҳбарликда бюрократик усул илдиз отганди.

Корхонага А. Лихин бош директор бўлиб тайинланган, у ишни ўзидан бошлади. Ўз ишида тартиб-интизом ўрнатди, ишчилар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратишда жонбозлик кўрсатди. Бирлашмада бир неча йиллар мобайнида ҳукм сурган «қолоқлик» барҳам топди. У бу вазифага тайинланганда коллективда, ишда ўзгариш ясашга ваъда берганди, сўзининг устидан чиқди.

Ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси Ҳайитмурод Фармонов Нишон районидаги 6-совхоз-техникум директорлиги вазифасида иш бошлагандан кейин коллективда соғлом муҳит вужудга келди.

Директор одамлар қалбига кўл солди. Уларнинг ташвишларини ўз ташвиши деб билди. Турли маросим ва тадбирларга бош-қош бўлди. Фармонов ўзининг халққа яқинлиги билан ҳурмат-эътибор қозонди. Одамларни ташаббускорликка, оғир ишларни оғринмай, аксинча кўтаринки руҳда бажаришга отлантира билди.

Совхоз пахта тайёрлашда икки йилдан бери областда машъал, энг олдинги ўринда. Ўтган йили пландан ортиқ 1 минг тонна пахта берди.

Кўзбўямачилик ва ошириб ёзиш иллатлари илдизига болта уриш даврида кадрларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралди. Ўзини ҳам, ишини ҳам қайта қурган, мураккаб вазиятларда ҳам одамлар қалбига йўл топа олган Косон районидаги Энгельс номли совхоз директори Аҳмад Холлиев, Ғузор районидаги Охунбобоев номли совхоз директори Искандар Бўриев, «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи Тўлқин Омонов каби раҳбарлар сўз билан иш бирлигини таъминлашмоқда.

«Каршистрой» бошқармасидан электр монтажчи, СССР Олий Советининг депутати Рўйиддин Рўзиев доимо одамлар ташвишида елиб-югуради.

Чори Шоймуродов Қарши районидаги 8-совхознинг 2-агроучасткаси бошлиғи. У пудрат асосида ишлаётган коллективга бош-қош. Йил бошида четдан ёрдамчи олмасдан пахта тайёрлаш план топшириғини бажариш тўғрисида сўз берганди. Сўзининг устидан чиқди. Районда биринчилар қатори маррадан ўзиб, 1,5 йиллик план миқдорида, яъни 938 тонна ўрнига 1,5 минг тоннага яқин пахта тайёрлади. Ғўзани чеканка қилиш, баргини сунъий тўктириш механизмда бажарилганлиги ва ниҳоят, пахтанинг ҳаммаси машинада терилганлиги учун ҳам участка планлаштирилган 622 минг 82 сўм ўрнига қарийб 1 миллион сўм даромад олди. Халқ Чорини Қоратепа қишлоқ Совети депутатлигига бежиз сайламаганлиги маълум бўлди. Энг муҳими лабзида турди у.

Афсуски, айрим кишилар мансаб гадоси. Улар раҳбарлик вазифасига тайинланган, босар-тусарини билмай қолишади. «У қиламиз, бу қиламиз» дея оғиз кўпиртириб, ваъда беришади, мақтанишади. Кўп вақт ўтмай эса ана шу ваъдани унутишади. Қимматбаҳо гарнитуралар билан жиҳозланган ҳашаматли кабинетларда туриб, буйруқбозлик қилишни ёқтиришади. Амалий ишдан эса дарак йўқ. Шундай тоифадаги раҳбарлар қўриқ Усмон Юсупов районида ҳам кўзга ташланди. Райондаги «Совет Россияси» совхози ўтган йил пахта тайёрлашда 27 процентда қолиб кетди. Ундан олдинги йили ҳам шундай қолоқлик ҳукм сурганди. Хўш, совхоз директори Очил Шукуров икки йиллик раҳбарлик фаолияти давомида нимани ўзгартирди? Ҳеч нарсани. Иш тобора орқага кетди. Совхознинг давлатдан қарзи 8 миллион сўмдан ошиб кетди.

Директор аввало, кадрларни танлашда хатоликка йўл қўйди. Айниқса, бригадирлик лавозимини эгаллаган ўрта звено кадрлари раҳбарлик қобилияти етишмаслигини намойиш этдилар. Бегали Мамажонов, Эркул Турдиев, Назар Бердиев, Ўрол Тошмуродовлар ана шундай тоифадаги кишилардан бўлиб чиқди. Уларнинг баъзилари йиллик планнинг 15—20 процентини миқдорида ҳам пахта тайёрлашмади.

Агар йил якуни таҳлил этилиб, камчиликлари юзларига солинса бундай хўжалик ва бригада раҳбарлари айбни об-ҳавога тўнкашади. Нима, бошқалар учун об-ҳаво қулай келдими? Сабаб қидиришга устаси фаранг бу кишилар ташкилотчиликни, ишни уюштиришни, одамларга талабчанлик ва ғамхўрликни билмадилар, десак тўғри бўлар.

Бундай субутсиз раҳбарлар Усмон Юсупов районининг «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», «Янгиобод», Автономов номли, «Тошкент» совхозлари каби бошқа хўжаликларда ҳам бор. Виждонан ишлаш ўрнига қуруқ аравани олиб қочиш оқибатида район пахта тайёрлашда областда охиридан биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Муборак районидаги «Бухоро» совхози ўтган йили аввалги йилгидек 9 процентда депсиниб қолди. Директор Элмурод Юсупов аҳволни ўнглашга ҳаракат қилиш ўрнига лавозимга янги тайинланганлигини рўкач қилмоқчи бўлди. Қамаши районидаги Ленин номли колхоз раиси Рашид Алиқулов ҳам субутсиз раҳбар чиқиб қолди. У давр билан ҳамнафас қадам ташламаяпти. Колхоз 8 йилдан бери раиссиз ёлчимай, пахта тайёрлаш планини бажаролмаяпти.

Ҳа, лабз-ку ҳалоллик, айтилган сўзга амал қилиш мезони. Сўз беришдан олдин масаланинг ана шу томонини чуқурроқ ўйлаш керак.

М. КАРОМОВ.



Суратда: Қизилтепа райони марказида қурилган янги меҳмонхона биноси. В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

Ранг-баранг олам

ОРОЛДА ҲАЁТ

● Бундан чорак аср муқаддам 1963 йилнинг ноябрида Шимолий Атлантикада, яъни Исландиядан 20 миль жанубда момақалдироқ бўлиб чақмоқ чақди, ҳавода қуюн кўтарилиб сув остидан вулқон отилиб чиқди ва бу ерда янги орол пайдо бўлди. Оролга Сертсей деб ном бердилар.

Олимлар янги оролни синчиклаб кўздан кечиришмоқда. Улар учун энг муҳими, вулқон отилишидан ҳосил бўлган янги ерда аста-секин ҳаёт пайдо бўлишини кузатишдир. 1964 йили дастлабки бактериялар, 1965 йили эса ўт-ўланлар пайдо бўлди. Фақат 1970 йили қумсичқон, бир йилдан кейин пушаклар кўрина бошлади.

Шунингдек, вулқон отилиб ер пайдо бўлган вақтдан саккиз йил ўтгач, каркур ва қора қайра каби қушлар уя қурди. Ҳозир Сертсейда қушларнинг беш тури яшамоқда. Улар Ер ости қўридан ҳосил бўлган ушбу қуруқликни обод қилишга журъат қилган юқори даражада ривожланган жониворларнинг биринчи вакилларидир.

ҲАЙДОВЧИ ЎРНИГА АНТЕННА

● Ғарбий Германиянинг Фурт шаҳрида узунлиги бир километр бўлган эксперимент автобус линияси ишга тушди. Бу ерда ҳайдовчисиз учта автобус қатнамоқда. Машиналар асфальт остига ётқизилган электр кабелидан ҳаракатга келтирилади. Диспетчерлик пунктининг сигналларини автобуснинг олди ва орқасида ўрнатилган антенналар қабул қилади.

Футбол

МАҚСАДДАН УЗОҚЛАШИЛМАЯПТИМИ?

«Пахтакор» мухлислари «Звезда» билан бўлган учрашувдан сўнг ана шундай саволни дилларидан ўтказдилар. Чиндан ҳам пахтакорчилар мавсум олдидан катта ваъда беришди: мақсадимиз—олий лига дейишди. Хўш, бу мақсад сари дадил қадам ташланаяптими? Бизнингча, йўқ. Ўйинлардан қониқиш ҳосил қилинмаяпти. Ўтказилган 22 учрашувда ҳозиргача бор-йўғи 24 очко тўпланди. Бундай юриш билан олий лига эшигини қоқиш тўғри келармикан?

Тошкентлик футболчиларнинг «Звезда» билан беллашувидан кўп нарса кутилган эди. Ишонч оқланмади. Вакилларимиз бу сафар ҳам бўш ўйин кўрсатишди. Аслида ҳужумкорликка эътибор берилди. Рақиб дарвозаси томон ҳужум уюштирилаётганида майдондаги барча ўйинчиларимиз олдинга интилишди. Тўпни бир-бирларига ҳотиржамлик билан ошириб, қулай имкониятни қўлдан бой беришди. Дарвозабонни шошириб қўядиган ва кучли зарбаси билан ажралиб турадиган ҳужумчилар топилмаяпти. Тўғри, тўплар нисбатига кўра ҳозирча мусбат натижага эгамиз.

Имкониятлар фойдаланилганда борми, кўрсаткич бундан ҳам яхши бўлур эди. Пахтакорчилар учун ўн метрлик жарима тўпидан дарвозани аниқ нишонга олишда омад келмаяпти. Ҳужумчимиз М. Кабаев «Кузбасс» ва «Таврия» командалари билан бўлган учрашувда доғда қолган бўлса, куни кеча унинг сафига А. Абдураимов қўшилди. Пермь футболчилари билан ўйинда у 36-минутда 11 метрлик жарима тўпини дарвозага кирита олмади. Турнир жадвалининг охирларида келаётган командага қарши ўйинда бир очко бой берилди. Учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди.

Қолган тўққиз учрашувнинг барчасида дарвозалар ишғол қилинганлиги билан характерланади. Бу турда энг йирик ҳисоб Абовян шаҳрида қайд этилди. «Котайк» меҳмони бўлган Волгограднинг «Ротор» командаси унинг дарвозасига еттита жавобсиз тўп йўллади. Бу билан «Ротор» пешқадамлар сафида бораётганлигини амалда исботлади.

Карвонбоши «Помир» футболчилари мавсумдаги 15-галабани қўлга киритишди. Улар «Геолог» футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Иккинчи пешқадам — Ставрополь динамочиларнинг эса омади келмади. Улар Батуми стадионида клубдошларидан 1:0 ҳисобида енгилишди. Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижа қайд этилди: «Заря» — «Шинник» — 1:1, «Ростсельмаш» — «Таврия» — 2:0, «Гурия» — «Спартак» —2:0, «Металлург»—ЦСКА — 2:1, «Колос» — «Кузбасс»—1:1, «Кубань»—СКА (Ростов) — 2:2.

Биринчи лига командалари навбатдаги 24-тур ўйинларини шанба куни ўтказишади. Бунда «Пахтакор» «Геолог» командасини қабул қилади. Навбатдаги тур олдидан жадвалдаги манзара қуйидагича: (биринчи устун— командалар, иккинчи устун — ютуқ, учинчи устун — дуранг, тўртинчи устун — мағлубият, бешинчи устун —тўплар нисбати, олтинчи устун — очко)

«Помир»	15	5	2	44—20	35
«Динамо» (СТ)	12	7	3	33—16	31
СКА (Р)	11	5	6	30—27	27
«Ротор»	12	2	8	40—23	26
ЦСКА	10	6	6	29—19	26
«Гурия»	11	3	8	34—25	25
«Ростсельмаш»	10	5	7	40—31	25
«Пахтакор»	8	8	6	27—20	24
«Геолог»	10	3	9	24—30	23
«Карпати»	9	4	8	31—19	22
«Котайк»	9	3	10	28—44	21
«Таврия»	6	9	7	20—19	21
«Спартак»	8	4	10	35—38	20
«Даугава»	7	6	8	27—26	20
«Шинник»	7	6	9	20—24	20
«Кузбасс»	6	8	8	16—22	20
«Заря»	6	6	10	28—32	18
«Колос»	6	6	10	17—25	18
«Кубань»	6	4	12	22—34	16
«Металлург»	5	6	11	15—27	16
«Динамо» (Бт)	6	2	14	17—28	14
«Звезда»	3	8	11	17—42	14

Ҳ. СУЛТОНОВ.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Молия министрлигининг
САМАРҚАНД МОЛИЯ ТЕХНИКУМИ
1988—1989 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича Ўзбекистон ССР молия, страхование органлари ва бюджет муассасалари учун ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда (сиртқи) ўрта малакали ходимлар тайёрлаб беради: ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ, ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ, ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ, БЮДЖЕТНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Техникумда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш муддати — 2 йил.

Ўқишга кирувчилар: рус тили ва адабиётидан (иншо), ўрта мактабларни ўзбек тилида тамомлаган ўқувчилар— рус тилидан (диктант) ва математикадан (оғзаки) кириш имтиҳонлари топширадилар.

Директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Паспорт, ҳарбий билет ёки чақирув қоғози шахсан кўрсатилади.

Зарур бўлганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР — 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари — 21 августгача ўтади; сиртқи бўлимга аризалар — 10 августгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари — 15 августдан 25 августгача ўтади.

Техникум адреси: Самарқанд шаҳри, Профессорлар кўчаси, 51-уй (7, 59-автобуслар, 19, 55-маршрутли таксиларнинг «СамГАСИ» бекати).

1-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1988-1989 ўқув йили учун
8-10 СИНФЛАРНИ ТАМОМЛАГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ЁШЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти темир йўл транспорти ва Тошкент мотор заводи учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: токарь, автомат линиялари оператори, электр монтёри, слесарь-сантехник, тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун 1 йил.

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловознинг ҳаракатдаги составни ремонти бўйича слесарь, ўзгарувчан ток алоқа тармоғи монтёри, токарь, электр-газ пайвандчи, слесарь-сантехник, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар операторн.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил.

3 йиллик муддат билан ўқишга қабул қилинганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланади.

База корхонасидаги ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

8-синфни тамомлаб билим юртига кирганлар танлаган касбини эгаллаш билан бир қаторда тўла ўрта маълумот олишни давом эттирадилар, билим юртидаги таълим курси тамом бўлганидан сўнг ўқувчиларга эгалланган ихтисоси тўғрисида диплом ва ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат берилади.

Таълим вақти меҳнат стажига киритилади; билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга кириш вақтида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Аълочи ўқувчилар олий ва ўрта ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юртида ётоқхона, спорт комплекси бор. Техника ижоди ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Таълим рус тилида олиб борилади.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган барча имтиёзлардан, жумладан ҳар йили Совет Иттифоқининг бирор бир жойига бир марта бепул билет билан бориш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим бўлади: паспорт, (ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан ва иш жойидан справкалар, характеристика, ариза, таржимаи ҳол, 8 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), мактабдан медицина справкаси (ёки эмлашлар тўғрисидаги справка).

Аризалар соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (15, 23, 26, 48, 61-автобусларнинг «Слоним» кўчаси» бекати).

ВАСХНИЛ
Ўрта Осиё бўлимининг
ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
қуйидаги бўлимлар ва лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
ҚОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Институт илмий секретари (фан кандидати);

катта илмий ходимлар: генетика ва гетерозис, биотехнология (фан кандидатлари);

илмий даражасиз кичик илмий ходимлар: озуқа технологияси ишланмалари, пилла ва ипак қурти касалликлари ва зараркунандалари билан кураш (2).

Конкурс муддати — 15 августгача.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги Низомга мувофиқ, қуйидаги адресга юборилсин: 702044, Тошкент области, Калинин райони, «Жарариқ» алоқа бўлими. Телефонлар: 46-15-02, 46-16-01.

ДИҚҚАТ
Ўзбекистон ССР Госснабининг «УЗГЛАВТАРА» БОШ БОШҚАРМАСИ ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 1 сентябргача қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Головин кўчаси, 2-уй.

8 томлик «ЎзССР ҚОНУНЛАРИ МАЖМУАСИ»га обуна бўлган обуначилар ва ташкилотлар ДИҚҚАТИГА!
ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДА
(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй)
ва республика шаҳарларида, шунингдек, «Ўзбекбирлашув»нинг матлубот кооперацияси китоб магазинларида «Ўзбекистон ССР Қонунлари мажмуаси»нинг 1-томига янгиланган материал
СОТИЛА БОШЛАДИ
Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси обуначилар ва ташкилотлардан ана шу материални сотиб олишни сўрайди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг хўжалик ҳисобидаги дезинфекцион бўлими коллективи бошлиқ ўринбосари Т. П. Мирзаахмедовга онаси
Лазокат УМАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Алоқа электротехника институти ректорати ва жамоат ташкилотлари кўп каналли электр алоқаси кафедрасининг доценти Р. И. Исаевга онаси
Салима МУСАХУЖАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

• *Мухбирларимиз бонг уради*

КАЛТАБИНЛИК КАСОФАТИ

Қувада хунук воқеа содир бўлди. Охунбобоев номли колхоз аъзолари — ўн нафар бола-чақали аёл «Тиодан» номли ўта ўткир химикатдан заҳарланишди.

«Тиодан» сувда эримайди. Лекин заҳри киши организмига тушгач, бир неча соат ўтар-ўтмас марказий нерв системаси ва жигар фаолиятини ишдан чиқаради. Кишининг ҳаракат қилиши ва нафас олиши қийинлашади. У одатда ғўзани кўсак қурти обдон босган кезларда, айниқса, биологик усуллар билан курашнинг ҳеч бир тури самара бермай қўйган ҳолларда, етарли хавфсизлик чора-тадбирлари кўрилиб, ён атрофдаги аҳоли огоҳлантирилгандан кейингина ишлатилади. Дори сепилган пайкалларга бир неча муддат «Кириш ман этилади» деган белгилар қўйилиши керак.

Афсуски, колхозда бу қоида бузилди. 19 июль куни Сирдарё области пахтакорларининг ўзаро тенгириш бригадаси район далаларини айланарди. Бундан салгина олдин Охунбобоев номли колхознинг дашт участкасидаги аҳоли пункти ва очиқ сув манбаларига яқин пахтазорларга «Тиодан» дорниси сепилганди. Аксига олиб, бегона ўт ҳам ҳўдди шу ерларни босган эди. «Мусобақадошларнинг кўзлари ўт босган жойга тушиб, гап эшитиб қолмайлик» деган хаёл билан хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг розилигига кўра бўлса керак, бригада бошлиғи А. Мирзалиев ана шу пайкалларга колхозчи аёлларни чопиқ қилиш учун киритиб юборди: Ч. Абдураҳмонова, Т. Султонова, К. Сотинова, М. Икромова, Ф. Ҳайдарова... ҳар бири 6-7 нафардан ўғил-қизнинг онаси.

— «Комиссия келаркан, мана шу ерни тозалайсизлар» деди бригадир, кейин ўт юлишга тушдик, — ҳикоя қилади Чиннихол Абдураҳмонова. — Кўп ўтмай лоҳас бўлиб, аввал бошим лўқиллади, сўнгра кўнглим айнади. Атрофга қарасам, бошқалар ҳам шу аҳволда эди. Бир амаллаб пайкалдан чиқдиг-у, одамлардан қатиқ олиб, ичдик. Кор қилмади. Кейин кимдир хабар қилди шекилли, барчамизни «тез ёрдам» станциясига олиб кетишди.

...Станцияда уларга дастлабки зарур ёрдам кўрсатилгач, барчасини район марказий касалхонасига олиб боришди. «Химикатдан заҳарланган» дея диагноз ҳам қўйишди. Бироқ негадир касалхонага ётқизишмади... Шифокорларнинг айтишича, «улар ўз ихтиёрлари билан» уйларига қайтишганмиш...

— Уйга боришга бордим-у яна кўнглим айниди, — давом этди Ч. Абдураҳмонова. — Эртасига касалхонага қайтиб келишга мажбур бўлдик... Шифохонада эса бизга жой — каровот топилмади. Колхоздан келтириб беришди...

Ўша куни бригаданинг яна бир аъзоси Д. Мамадалиева ҳам заҳарланиш белгилари билан касалхонанинг реанимация бўлимига ётқизилди. Орадан икки кун ўтгач, колхознинг 8-бригадаси аъзолари — Р. Мадумарова, М. Мамарасулова, З. Отабоевалар ҳам худди шундай заҳарланиш туфайли касалхонага тушдилар.

Қаранг, заҳарланганларнинг барчаси — оналар! Келажак авлод волидалари...

Тўғри, шифокорлар уларни «оёққа туриб кетишди, хавф-хатар ўтди» деб кўнгилга таскин беряптилар. Бизнинг ҳам тилагимиз: уларнинг соғайиб кетгани рост бўлсин! Аммо... эртасига касалхонага яна бир киши тушди: колхозчи Э. Акбаров ҳам заҳар сепилган пахтазордан жўяк олганди...

Қува район партия комитети бюроси масалани муҳокама қилди. Кимлардир ишдан олинди, кимларгадир ҳайфсан берилди... гўё айбдорлар жазоланди. Район санитария-эпидемиология станцияси ходимлари айбни «Райсельхозхимия» раҳбарларига агдаришса, улар аксинча... Район партия комитетининг секретари М. Ғозибоевнинг фикрича, «ҳеч қандай қаттиқ заҳарланиш рўй бермаганмиш». Ҳолбуки, у «Райсельхозхимия» ва хўжаликларнинг омборларида «Тиодон», «БИ-58», «Севин», «Омайт», «Изофен» сингари 10-15 тур заҳарли дорилар босилиб ётгани ҳақида, уларнинг сақланиш жараёнлари талабга мутлақо жавоб бермаслиги тўғрисида лом-лим демади.

Шуни очиқ айтиш керакки, район хўжаликларида заҳарли дорилар сақланаётган омборларнинг аксарияти яроқсиз. Киров номли, «Ленинизм» колхозларида бундай омборларнинг ўзи йўқ. Райондаги бирорта ҳам колхозда заҳарли дорилар билан ишлаётган «ОВХ» тракторларини ишдан кейин ювиб-тозалайдиган махсус бетон майдончалар қурилмаган, чуқурлар қазилмаган. Район санитария-эпидемиология станцияси маълумотларига кўра, «Коммунизм» колхози ва бошқа айрим хўжаликларда заҳарли дорилар сепган «ОВХ» тракторлари ишдан сўнг тракторчиларнинг уйлари олдида туради. Уларнинг атрофида эса ёш болалар ўйнашади. Уй ҳайвонлари, паррандалар боқилади. «Москва», Жданов номли, Калинин номли колхозларда минерал ўғитлар дала шийпонлари атрофида очиқ сақланмоқда. Ҳолбуки, улар ёнида мавсумий боғчалар ишлаб турибди.

Районда зарарли ҳашаротларга қарши курашнинг биологик усулларидан фойдаланишга эътиборсизлик билан қараляпти. Ваҳолонки, бу ерда яхшигина биолаборатория мавжуд. Аммо раҳбарлар «Тарки одат — амри маҳол» деганларидек, ҳамон заҳарли химикатларга ружу қўймоқдалар. Иўқса, юқоридаги хунук воқеа рўй бермаган бўларди.

Республика, область агросаноат комплекслари мутахассислари, етакчи мутахассислари, Қува район партия, совет органлари раҳбарлари буни газетхонларга қандай шарҳлаб беришаркин?

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

М. УСМОНОВА,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

КАКРА

Какра нима эканлигини биласизми? У ёввойи ҳолда ўсадиган «эркатой» ўсимлик. Етилиб пишган уруғи уст-бошингизга ёпишиб қолгундек бўлса, тозалаб олгунча эсингиз кетади. Какранинг яна бир «фазилати» шундаки, уни еган моллар заҳарланади, саломатлигига путур етади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозим, унинг жони қаттиқ. Шу боисдан уни йўқотиб юбориш қийин.

Уруғлик учун беда экқан хўжаликларнинг раҳбарлари буни яхши билишади. Ўримдан олдин бедазорларда ўсган какрага қарши кураш бошлаб, «жанг»ни охирига етказишади. Акс ҳолда, бу ерлардан олинган беда уруғини ҳеч қайси ташкилот сотиб олмаслиги мумкин. Ишонмасангиз, Чимбой район-идаги чорвачиликка ихтисослашган «1-Май» совхози директори Кенесбой Хўжабоевдан сўранг.

— Вой-баёв! — дейди у. — Какранинг дастидан дод, дейишга етдик. Тайёрлаган беда уруғимизни ҳеч ким сотиб олмаяпти. Какрадан тозалаб бермасанг, уруғинг жой-жойида тураверсин, дейишяпти. Қўлда тозалаб берармишмиз. Ахир, бу қилиб бўлмайдиган иш-ку! Ҳозир совхоз омборида 2 миллион 430 минг сўмлик беда уруғи бор. Буни ўтган йилларда етиштирганмиз.

— Бу йил 1500 гектар майдондаги бедадан яна уруғ олишни мўлжаллаб турибмиз, — арз-додини давом эттирди директор. — Планимиз 225 тонна, мажбуриятимиз 250 тонна! Афсуски, ҳосил душмани бўлган какра тағин йўлимизга ғов бўладиганга ўхшайди. Ҳозир у кенг бедазор майдонларда серкиллаб ўсмоқда. Уни ўрим бошлангунга қадар йўқотмас эканмиз, тайёрлаган беда уруғимиз яна аввалгидек омборларда туриб қолиши ҳеч гап эмас.

Директор ҳақ гапни айтди. Мазкур хўжалик кўпдан буён беда уруғи етиштириб келмоқда. Лекин уруғни какрадан тозалайдиган бирорта ҳам махсус агрегат бу ерда йўқ. Уни топиш учун тинмай ҳаракат қилишяпти. Лекин натижа бўлмаяпти. Агар бу иш яқин орада бажарилмас экан, совхоз омборларини банд этиб турган беда уруғи какрадан тозаланмаганлигича қолаверади. Оқибатда, яна у сотилмайди.

Мазкур ҳангомани Қорақалпоғистон АССРдаги қатор юқори ташкилотларнинг раҳбарлари яхши билишади. Ҳатто, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетидаги масъул ўртоқлар ҳам бундан хабардор. Лекин хўжаликка амалий ёрдам беришга келганда ҳамма сукут сақламоқда.

Совхоз раҳбарлари омборда ётган беда уруғи тафайли содир бўлган жумбоқни ечиш учун турли ташкилотларга елиб-югурмоқда. Бари бир, фойдаси бўлмаяпти. Хўжалик меҳнаткашлари эса ўзлари етиштирган беда уруғи учун ҳақ ололмай хуноб бўлиб юришибди. Бу —инсофданми?!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 4-серия.— «Сургун йиллари». 5-серия. — «Ҳақиқатни кашф этиш». 11.25 — Фидойи шахслар. 12.10 ва 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Нега ва нима учун? 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — «Мэри Поппинс, хайр». Бадиий фильм, 2-серия. 18.30 — Манипури рақслари. 19.00 — Навбат сизга, артист. 19.15 — Дунё воқелари. 19.35 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.50 — Фан: назария, тажриба, практика. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 5-серия — «Ҳақиқатни кашф этиш». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шахмат, жаҳон экс-чемпиони М. Таль билан учрашув. 23.45 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 10.05 — Илмий-оммабоп фильм. 10.25 — Инглиз тили. 10.55 — Мультфильмлар. 11.35 — Инглиз тили. 12.05 — Болалар учун фильм. 13.30 — Абхазия дурдоналари. 14.00 — «Сурайё». Бадиий фильм. 15.15 — Янгиликлар. 15.25 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 8-серия. 18.35—Янгиликлар. 18.45 — Саёҳатчилар клуби. 19.45 — Реклама. 19.50 — Забайкалье жилолари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Эскича руҳда ҳазил». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — «Довюрак». Бадиий фильм. 17.25 — Музикали фильм. 17.35—«Абитуриент — 88». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Телефильм. 18.45 — Ёзувчи ва замон. 19.25 — Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Комсомол прожектори. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аму наволари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Пахтакорларнинг долзарб вазифалари. 23.00 — «Унутилган одам». Спектакль.

УзТВ-II. 19.30 — «Ўғирлик». Бадиий фильм. 21.00 — Сиз қандай дам оляпсиз? **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Озиқ-овқат программаси: муаммолар ва мулоҳазалар. 22.50 — «Отряд». Бадиий фильм.

5 АВГУСТ, ЖУМА

●

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Э. Рўзиматов куйлайди. 9.45 — Халқ контроли радиопости. 10.15 — Дутор тароналари. 11.15 — Юность радиостанциясининг программаси. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 12.30 — К. Жабборов қўшиқлари. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — В. Лебедев-Кумач шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Гунча» — «Юлдузча» меҳмони. 15.50 — С. Абрамова қўшиқлари. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.30 — Музикали дақиқалар. 18.40 — Инсон ва қонун. 19.20 — Огонёк. 20.15 — В. И. Ленин асарларини ўрганамиз. 20.30 — Чолғу куйлари. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.10 — «Данте юбилейи». Радиопостановка. 00.25 — Тунги музикали программа.

Р. — 10885. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 178. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12